

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

А.ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ

ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

МУСИҚА НАЗАРИЯСИ КАФЕДРАСИ

“Ҳимоя қилишга рухсат бераман”

Пед - психология факультети декани

_____ проф. Х.А.Мелиев

“ _____ ” _____ 2012 й

5140 – Муסיқа назарияси

“Муסיқий тўгараклар фаолятида ўсмирларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантириш” (мактабданташқари таълим мисолида) мавзусида бажарилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарувчи:

Б.Б.Миркомитов

Илмий раҳбар:

п.ф.н. Э.М.Файзуллаев

Ишни ҳимояга тавсия этаман:

п.ф.н. Э.М.Файзуллаев _

**БМИ Муסיқа назарияси кафедраси
йиғилишининг қарори билан (Қарор №
) ҳимояга тавсия
этилган.**

Кафедра мудири в/б:

Х.Омонов _____

Жиззах - 2012

Режа:

Кириш.

1 – боб. Ўзбекистонда Мусиқий тўғаракларда таълим тарбия жараёни ва миллий тушунчаларни шакллантириш.

- 1.1. Битирув малакавий ишда илгари сурилган асосий масалалар ҳақида.
- 1.2. Демократик жамият куришда миллий ғоянинг ўрни.
- 1.3. Мактабдан ташқари болалар муассаларининг ижтимоий-педагогик хусусиятлари.
- 1.4. Мусиқий тўғаракларда таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш йўллари.

2-боб.Мусиқий тўғаракларда ўсмирлар онгида миллий истиқлол ғояларини шакллантириш.

- 2.1.Муסיқа орқали ёш авлод онгида миллий истиқлол ғояларини сингдириш.
- 2.2.Муסיқа танлаш машғулотида ўсмирларнинг ғоявий-эстетик дунёқарашларини шакллантириш.
- 2.3.Муסיқа тўғараклари учун ўсмирларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантиришга йўналтирилган репертуар танлаш.
- 2.4. Мусиқий бадиий воситалар орқали ўсмир ёшларда миллий истиқлол ғояларини шакллантириш.

- Хулоса.

- Фойдаланилган адабиётлар.

- Иловалар

- Мундарижа.

Кириш.

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллик шароитида халқнинг маънавий маданиятини ривожлантириш ва мустахкамлаш ишлари муҳим давлат сиёсати даражасига кўтарилган масалалардан бирига айланади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва ўзгаришларнинг ривожининг тامينловчи инсонни тарбиялаш мураккаб жараён бўлиб, бу жараёнга алоҳида эътибор қаратишни талаб этади.

“Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлиб яшаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, - деб такидлайди Ўзбекистон республикаси президенти И.А.Каримов, - бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс ахамият касб этади. Агар биз бу масалада хушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масулятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз холига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас кадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятларимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб охир-оқибат ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин”¹.

Мамлакатимизда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-марифий ишларни самарадорлигини, уларнинг ҳаётийлигини ва тасирчанлигини янада ошириш мақсадида ҳамда Республика Маънавият ва марифат кенгашининг навбатдаги йиғилишида билдирилган таклифларини инобатга олган ҳолда. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-марифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида” ги қарори асосида Республика Маънавияти ва марифат кенгаши ҳузуридаги “миллий мафкура илмий тарғибот маркази” ўрнига Республика Маънавият ва марифат

¹ Каримов И.А: юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент: Маънавият. 2008. - 4-б.

кенгашининг илмий-амалий йўналишида фаолият олиб борадиган, давлат бюджети хисобидан молиялаштириладиган “миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази” ташкил этилиши ва бир қатор вазифаларнинг белгилаб берилиши бу борадаги ишларнинг бугунги кун талаблари даражасида ташкил этишга жиддий асос бўлди.

Унда миллий ғоя ва мафкура масаласи билан долзарб муаммоларни, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларини илмий-амалий жихатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, устувор йўналишини аниқлаш, уларни аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг мохияти очиб бериш, давлат ва жамоа ташкилотлари учун тегишли тавсия ва таклифлар тайёрлаш масаласига алоҳида этибор қаратилган. Бу омил умумий ўрта таълим мактаблари, айниқса, мактабдан ташқари таълим муассасаларида амалга ошириладиган таълимий-тарбиявий жараёнларида ўқувчи ёшларнинг ғоявий тарбиясига этибор қаратиш лозимлигидан далолат беради.

Мустақил ватанимизни, ҳалқимизни, анъаналаримизни тараннум этувчи куй ва кўшиқларнинг маънавий, мафкуравий мазмунини тўғарак қатнашчилари онгида шакллантиришнинг педагогик, психологик услубий асослари, айти вақтда, ўсмирлар онгида миллий ғоя тушунчаларининг шакллантиришнинг асосий воситалари бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам ўсиб келаётган ёш авлодга таълим-тарбия бериш, хусусан, умумий ўрта таълим мактабида ўтиладиган ҳар бир фанда, айниқса, ижтимоий – гуманитар фанлардан мактабдан ташқари тўғаракларда олиб бориладиган ҳар бир тадбирдан ўсмирларни миллий ғоя тушунчалари руҳида тарбиялаш воситаси сифатида фойдаланиш ўта муҳим ва ечимини кутаётган долзарб масаладир. Бу борада маданият ва санъат тарбиявий имкониятлари кенглиги билан аҳамиятлидир. Ўсмирларнинг миллий ўзлигини англашларида миллий анъаналар, санъат ва маданият, хусусан, миллий мусиқага қизиқишлари катта аҳамиятга эга. Бу қизиқишларни ривожлантиришда мактабдан ташқари

таълим муассасаларининг ўрни алохида. Зеро, мазкур тўғараклар, бу даргоҳда ўз қизиқиши ва интилишлари билан келган ўқувчи-ёшлар билан ишлайди.

Ўсмир-ёшларни ғоявий, маънавий тарбиялашда оила, мактаб билан бир қаторда мактабдан ташқари таълим муассасаларининг ахамияти катталиги яна шу омил билан изохлаш мумкинки, уларнинг ўртача 40 % унумли вақти мактабда ўтса, 60 % вақти мактабдан ташқари вақтга тўғри келади.

Умумий ўрта таълим мактабларида таълим мазмуни Давлат таълим стандартлари асосида ўқув фанлари ўқитишга қаратилса, мактабдан ташқари таълим муассасалари муסיқий тўғараклардаги таълим мазмуни муайян бир фаолят турини ўрганишга йўналтирилган бўлади. Шунинг учун бу ёндашув ўсмирларда муайян сифатларни шакллантиришда қулайлик яратади. Бу қулайлик ҳам мазмун, ҳам методик ёндашувда номоён бўлади. Бироқ, мустақиллик йилларида жамиятнинг янги ижтимоий талаби – ўсмирларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантиришнинг концептуал асослари, унинг замонавий таълим технологияларини ишлаб чиқаришда маълум камчиликлар кузатилмоқда.

Ўсмирларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантиришнинг муқобил мазмуни, самарали педагогик шарт-шароитлари, йўллари ва воситаларини излаш, ўқув-тарбия тизимини, унинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, муаммоларини хал қилиш учун катта имкониятларига эга бўлган мактабдан ташқари таълимга оид ёндашувларни ижодиёт тахлил қилишни тақозо этади.

Битирув малакавий ишнинг ўрганганлик даражаси. Ўсмир ёшларни миллий ғоя тушунчалари асосида тарбиялаш ва таълим бериш мактабдан ташқари ишлар педагогикасининг долзарб вазифасига айланади. Муסיқанинг ғоявий тарбияда тутган ўрни, унинг башарият ҳақидаги ғоялар билан улғайтириш ва таъсир этиш қувватига Шарқнинг буюк алломалари

катта ахамият берганлар. Хусусан, Имом Ал Бухорий, Абу Насир Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Алишер Навоий, Абу Райхон Беруний асарларида шарқона маънавият асослари ифодаланган.

Миллий ғоянинг турли кирралари олимларимиздан Б.Тўраев, Қ.Назаров, С.Мамашокиров, М.Ортиқов, А.Очилдиев, Г.Туленова, У.Убуйдуллаев, З.Ғофуров кабилар ишларида кенг ёритилган.

Йирик педагог олимлар В.Сухомлинский, Б.Асафъев, Д.Кабалевский, В.Белобородова, Н.Ветлугина, Ю.Алиев, Э.Абдуллин, Ўзбекистонда яшаб ижод қилган рус муסיқашунос олимлари А.Эйхгорн, В.Успенский, Е.Романовская, Н.Миронов, Э.Глиэр, Т.Соломонова ва бошқа муסיқа педагогикасининг асосчилари томонидан илгари сурилган илғор ва методик тавсияларида, Ўрта Осиё халқлари муסיқасининг ўзига хос хусусиятларини илмий таҳлил қилиб беришга қўшган хиссалари бекиёсдир.

Умумий ўрта таълим мактаблари ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида ўқитувчилар шахсини шакллантириш, тарбиялаш борасида С.К.Аннамуратова, С.Файзулина, Р.Сафарова, Р.Ҳасанов, М.Қуронон, О.Мусурмонова, Қ.Қувондиқов, М.Рахматуллаева каби олимларимиз тадқиқот ишларини олиб бордилар.

Муסיқа педагогикаси соҳасида ҳам тадқиқот муаммосига оид Ҳ.Нурматов, Ф.Ҳалилов, Қ.Маъмиров, Ф.Жўраев, Ш.Жанайдаров, Ҳ.Бобомирзаев, А.Қўшаев, Ф.Тўраев, Б.Азимов, А.Хасановлар томонидан изланишлар амалга оширилган.

Лекин, юқоридаги тадқиқотлар таҳлилидан мустақиллик йилларида мактабдан ташқари таълим муассасаларида ўсмирларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантириш, таълимий-тарбиявий ишлар жараёнида олиб борилган қатор тадқиқотларда тўла ва мукамал таҳлил этилмаганлиги маълум бўлади. Айниқса, муסיқий тўгараклар фаолятида ўсмирларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантириш педагогик муаммо сифатида махсус

тадқиқ этилмаган. Шу сабабларга кўра мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги мусиқий тўғаракларда ўсмирларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантириш муаммосини хал қилиш мақсадида тадқиқот ишимиз мавзусини “Мусиқий тўғараклар фаолиятида ўсмирларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантириш (мактабдан ташқари таълим мисолида)” деб номладик.

Битирув малакавий ишнинг мақсад ва вазифалари:

: мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги мусиқий тўғараклар фаолиятида ўсмирларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантиришнинг самарали педагогик тизимини ишлаб чиқиш.

- Мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги мусиқий тўғараклар фаолиятида ўсмирлар онгида миллий ғоя тушунчаларини шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик хусусиятларини ўрганиш, тахлил қилиш ва умумлаштириш;

- Санъатнинг ўсмирларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантиришдаги тарбиявий имкониятларини аниқлаш;

- Мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги мусиқий тўғараклар фаолиятида ўсмирларни миллий ғоя тушунчалари руҳида тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаш;

- Мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги мусиқий тўғараклар фаолиятида ўсмирлар ўзлаштиришлари лозим бўлган билимлар кўлами ва уларнинг параметрларини аниқлаш;

- Мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги мусиқий тўғараклар фаолиятида ўсмирларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантиришнинг самарали педагогик тизимининг компонентларини ишлаб чиқиш;

- Ўсмирларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантиришга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишнинг предмети ва методлари: мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги муסיкий тўгараклар фаолиятида ўсмирларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантириш жараёни.

ўсмир ёшларда бадиий воситалар орқали миллий ғоя тушунчаларини шакллантиришнинг мазмуни, шакли, воситалари, усул ва методлари.

манбаларни таҳлил қилиш, педагогик кузатув, суҳбатлар, тест синовлари, педагогик тажриба-синов, баҳолаш, умумлаштириш.

Битирув-малакавий ишнинг илмийлиги ва янгилиги: Агар:

- Ўсмирларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантиришда бадиий воситалардан самарали фойдаланилса;

- Мактабдан ташқари таълим муассасаларининг педагогик имкониятлари ўсмирларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантиришга мақсадли йўналтирилса;

- Бу жараёнда ўсмирларнинг ёш психологик хусусиятларига таянилса:

- Муаммони ҳал қилиш учун унга ижодий ёндашилса, мақбул шакл, метод, усул ва воситаларнинг педагогик тизими ишлаб чиқилса, мактабдан ташқари таълим муассасаларида ўсмирларда миллий ғоя тушунчаларининг шаклланиши самарали кечади.

- Ўсмирларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантириш ижтимоий-педагогик муаммо сифатида илмий таҳлил этилиб, шу йўналишдаги ютуқ ва камчиликлар аниқланди ва тегишли хулосаларга келинди;

- Ўсмирларнинг миллий ғоя тушунчалари асосида тарбиялаш – шахсий хислатлар, умумий ривожланиш тизимининг асосий омили эканлиги аниқланди;

- Мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги мусиқий тўғараклар фаолиятида ўсмирларни миллий ғоя тушунчалари руҳида тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитлари аниқланди;
- Мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги мусиқий тўғараклар фаолиятида ўсмирлар ўзлаштиришлари лозим бўлган билимлар кўлами ва уларнинг параметрлари аниқланди;
- Муаммони ҳал қилиш учун унга ижодий ёндашиш, энг қулай шакллар, методлар, усуллар, воситаларни излаш, мазмунни аниқлаш орқали самарали педагогик тизим ишлаб чиқилди.

Битирув малакавий ишнинг илмий ва амалий аҳамияти.

Педагогика назарияси ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг миллий ғоя тушунчаларини шакллантиришга йўналтирилган назарий ёндашувлар, илмий-услубий тавсиялар билан бойитилди; муаммо ечимига нисбатан концептуал ёндашув қарор топди; ўсмирларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантириш педагогик жиҳатдан тавсифланди, унинг кўрсаткилари ва баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди; ўсмирлар ўзлаштириши лозим бўлган билимлар кўлами, унинг параметрлари аниқланди. Улардан мактабдан ташқари таълим муассасаларида ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг миллий ғоя тушунчаларини шакллантириш мазмунини такомиллаштиришда, шунингдек, “Баркамол авлод” болалар марказлари, ўқувчилар саройлари, ўсмирлар ижодиёт, ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт марказларида таълим-тарбиявий ишларни ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишнинг методологик асоси. сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартлари” Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ҳамда фан, иқтисод, маънавият, миллий ғоя, мафкурага оид маъруза ва асарлари, Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ҳамда Халқ таълими вазирлигининг ўсмир ёшларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантиришга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, мактабдан ташқари таълимнинг Давлат талабларига таянилди.

Битирув – малакавий ишнинг тузилиш ва ҳажми. Битирув – малакавий иш Кириш, 2- боб, - 7 параграф умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Битирув – малакавий иш ҳажми 56 бет ва иловалардан ташкил этади.

I – боб. Ўзбекистонда мусикий тўғаракларда таълим-тарбия жараёни ва миллий ғоя тушунчаларни шакллантириш.

1.1 Битирув-малакавий ишда илгари сурилган асосий масалалар ҳақида.

Битирув малакавий ишнинг асосий мавзуси қуйидагиларда ўз аксини топган. Битирув малакавий ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва замонавийлиги асослаб кўрсатилган. Битирув малакавий ишнинг 1 – боби “Ўзбекистонда мусикий тўғаракларда таълим-тарбия жараёни ва миллий ғоя тушунчаларини шакллантириш” деб номланиб, унинг параграфларида мактабдан ташқари таълим муассасалари тарбиявий ишларнинг ижтимоий-педагогик хусусиятларини ўрганибчиқишга ҳаракат қилдик. Ёш авлод, ўсмирларни маънавий баркамол қилиб тарбиялашга таъсир этувчи омиллар қаторида мактабдан таўқари таълим муассасаларидаги мусикий тўғараклар фаолияти тарбия имкониятлари, мактабдан ташқари таълим муассасаларининг асосий вазифалари, ўқувчи-ёшларни маънавий-интеллектуал билимларини ошириш, бадиий-эстетик дидларини шакллантириш, ижодий қобилиятларини ўстириш, замонавий билимлар мажмуасини ўргатиш, улар онгида мустақиллик мафкурасини шакллантириш, ўқувчи-ёшларни маънавиятга, санъатга, маиший соҳаларга бўлган қизиқишларини тарбиялаш ва ўқишдан ташқари бўш вақтларини фойдали фаолият турларига йўналтириш борасидаги мауъян камчиликлар очиб берилган.

Ушбу бобда мусикий тўғараклар фаолиятида ўсмирларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантиришнинг мазмуни ўрганилган бўлиб, унда тўғарак машғулотларининг педагогик ва услубий самарадорлигини оширишда, миллий ғоя тушунчалари, миллий мафкура, миллий мерос, миллий санъат тушунчаларига асосланиш, педагогик тренинг, шарҳлаб ўқитиш, таянч схемалар, таянч белгилар, ролли ўйинлар услубларини тўғарак машғулотлари жараёнида қўллаш, шу тариқа ўқувчи шахсида ақлий қобилият, шахсий ва ижтимоий бурч ҳислари, ўткир зеҳни таркиб топтириш, тенглик, демократия бирдамлик туйғулари, инсоний фазилатлар – самимият, орномус, ҳушмуомилалик, сертакаллуфлилик кабилари шакллантириш йўллари таҳлил қилинган. Шунингдек, мусиқанинг ифода воситалари ёрдамида ўқувчиларга билим мажмуасини сингдириш билан биргаликда уларни образли, мантикий, ижодий фикрлашга ўргатиш, уларнинг саводхонликлари,

тасавури кенгайиб миллий онги шаклланиб боришда ифода воситаларининг ўрни таъкидлаб ўтилади. Мусиқий асарларнинг мазмуни, характери, ундаги ифода воситаларининг қўлланилиши билан боғлиқ. Образларнинг тасвирланиши, ривожланиши, мусиқа саводидаги мусиқий атамалар: темп (суръат), динамик белгилар, гармония, тоналликлар, тембр, регистр кабилар йрдамида амалга оширилади. Шунинг учун мусиқий фаолиятларда ифода воситаларидан фойдаланишда бир-биридан фарқ қилувчи тасвирий ва ижро характериға эға бўлган асарлар танлаш, ҳар иккаласини ҳам парчалар билан ёки тўлиқ холда тинглаб таққослаш, мусиқий идрок омиллари таърифланиб, уларнинг мусиқий идрокни шакллантиришға ижобий таъсири кўрсатиб ўтилган.

Тўғарак раҳбарининг мусиқий тўғараклар машғулотларида мусиқий-назарий билимлар билан бир қаторда ғоявий тарбиянинг куйидаги жиҳатларига:

- Ҳалқимиз истиқлол туфайли сиёсий мустақилликни қўлга киритганлиги;
- Ўз тақдирини амалда ўзи белгилаш имконига эға бўлганлиги;
- Ҳалқимизнинг асл маънавий-тарихий илдизларини ўрганиш имконияти пайдо бўлганлиги;
- Республикада мустақилликни мустаҳкамлаш, барқарорликни таъминлаш зарурлигини аниқ мисоллар ёрдамида ёритишға алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу боб мусиқий тўғараклар фаолиятида ўсмирларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантиришнинг аҳволи, мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги мусиқий тўғараклар фаолиятида ўсмирларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантиришнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиб, бу муаммони ечишда давстур ва қўлланмалар қандай имкониятға эға эканлигини аниқлаш, ўсмирларнинг миллий ғоя тушунчаларини билиш даражасини, бу борада ўқитувчи ва тўғарак раҳбарларининг қўлга киритган тажрибаларини умумлаштиришни, бу мураккаб ишни ташкил этишда қандай қийинчиликларға дуч келаётганини аниқлаш масала устувор тарзда тадқиқ этилган. Унда таъкидловчи тажриба-синов ишлари материаллари берилган бўлиб, мусиқий тўғараклардаги тарбиявий ишлар жараёни тағлил қилинган. Мазкур таҳлилларнинг кўрсатишича, ёшларимиз орасида ўтказилаётган тарғибот ишлари етарли даражада ташкил қилинмаган. Мавжуд ҳолатнинг сабаблари кўп, албатта. Бизнингча, бу ҳолнинг асосий сабабларидан бири тўғарак раҳбарларининг мавзуга дахлдор машғулотларда қўллаётган услуб ва воситаларнинг самарали эмаслигидир. Улар қанча кўп ва ранг-баранг

услуглардан фойдаланиб машғулотларда назарий билимлар билан ғоявий тарбияни биргаликда олиб борсагина, бу ўзининг ижобий натижаларини беради. Қолаверса, оилада ҳам ота-оналарнинг айнан шу соҳада шуғулланишларида оқсаш кўзга ташланади. Ҳолбуки, ота-оналар фарзандининг ижро маҳоратлари, эгаллаган билимлари кўламини, ғоявий-сиёсий тафаккурини, руҳий ҳолатларини кузатишлари фарзандларининг гармоник ривожланиши ва камол топишига ёрдам беради.

Б.М.И иккинчи боби «Муסיқий тўғаракларда ўсмирлар онгида миллий ғоя тушунчаларини сингдириш» деб номланиб, унда ўсмирларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантиришнинг педагогик омиллари, шарт-шароитлари ҳамда услуб ва воситалари ҳақида фикр юритилади.

Ушбу бобда шахс тарбиясига таъсир этадиган кўплаб омиллар мавжудлиги таъкидланиб ўталиди. Шахснинг шаклланиши мураккаб жараён бўлиб, бу ички ва ташқи таъсирлар орқали амалга ошади. Ташқи таъсирларга кишини ўраб турган табиий ва ижтимоий муҳит ҳамда шахсда муайян инсоний сифатларни шакллантиришга қаратилган, ижтимоий мақсадга йўналтирилган фаолият, ички омилларга – биологик наслий хусусиятлар киради. Физиологик ва психологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, инсон тайёр туғма қобилият билан туғилмайди, балки туғма лаёқатни ривожлантиришнинг потенциал имкониятларига эга бўлади. Биологик индивиднинг ижтимоий субъектга айланиши, унинг ижтимоийлашуви шахснинг ижтимоий аҳамиятга эга сифатларини шакллантирадиган кадриятлар, ижтимоий меъёр, хулқ-атвор намуналарини ўзлаштириши орқали жамиятга, турли хил ижтимоий гуруҳларга интеграциялашув асосида амалга ошади.

Шунга мувофиқ, мактаб ва мактабдан ташқари таълим ўқувчиларга махсус билимларни бериш билангина чекланиб қолмай, уларнинг ижтимоий мавқеини ўстириш, умуминсоний кадриятлар ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш, маънавий дунёсини бойитиш, уларнинг ўз фаолиятларида кадриятларга йўналиб иш кўришларини таъминлашга қаратилган қулай муҳитни яратиб бера олиши лозим.

Шахснинг маънавий ривожланишида биологик, ижтимоий омиллар билан бир қаторда мақсадга йўналтирилган таълим-тарбия ҳамда ўқувчининг ўз-ўзини такомиллаштиришга қаратилган фаолият ҳам муҳим омиллардан хисобланади. Фаолият деганда ўсмир шуғулланадиган турли машғулотлар тизими тушунилади. Ўсмирнинг ҳар томонлама бир бутун ривожланиши, борлиққа бўлган муносабати унинг фаолияти жараёнида таркиб топади.

Муסיқий тўғараклар фаолиятида ўсмирларнинг тафаккурига таъсир этувчи ижтимоий-педагогик омиллар воситасида уларнинг дунёқарашида миллий ғоя тушунчаларининг назарий асослари ҳақидаги билимлари такомиллаштириб борилади. Шу орқали улар асарга оид маълумотларга эга бўлиб, ғаявий мазмун ҳақида тасаввур ҳосил қиладилар. Ўсмирларнинг назарий билимларига асосланиб олиб бориладиган муסיқий фаолиятлар мажмуаси (муסיқа тинглаш, кўшиқ куйлаш, рақс ҳаракатларини бажариш, ижрочилик, муסיқа ижодкорлиги) миллий муסיқа маданиятимизни ўзлаштиришга омил бўлади.

Юқорида айтилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, ўсмирларнинг мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги муסיқий тўғараклар фаолиятида маънавий ва ғоявий жихатдан шаклланишга таъсир этадиган ижтимоий-педагогик омиллардан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин.



1-расм. Ўсмир онги, тафаккурига таъсир этувчи ижтимоий-педагогик омиллар тизими

Ўсмирларга ғоявий таъсир кўрсатиш омиллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин: ғоявий таъсирда вақт омили; ғоявий таъсир йўналишлари; ғоявий таъсир шакллари; ғоявий таъсир услублари.



2-Расм. Ўсмирларга ғоявий таъсир кўрсатиш омиллари.

Ушбу бобда яна муסיкий тўғараклар фаолиятида ўсмирларни ғоявий тарбиялашни ижтимоий ҳаёт шароитлари билан боғлаб олиб бориш; ўсмирларни ижтимоий ва маданий йўналтириш; муסיқа воситасида маънавий фаоллигини оширишга қаратилган амалий фаолиятни ташкил этиш; маънавийлилик, комиллик белгиларини шакллантириш; миллий қадриятлар ва урф-одатларга садоқат; ҳурмат руҳида тарбиялаш; муסיкий идрокни шакллантириш; муסיқанинг назарий ва амалий жиҳатлари билан таништириш; муסיқа санъатининг имкониятларидан, миллий-муסיкий меросдан тўлақонли фойдаланиш; ўзбек муסיқа таълим-тарбияси, педагогикаси ва унинг мукамал услубиётлари, устоз ва шогирт анъаналиридан фойдаланиш; профессионал муסיқа, ҳалқ оғзаки ижодиёти намуналаридан фойдаланиш; муסיқанинг ифодавий тили (қуй, гармония, ритм-усул, суръат, ўлчов, регистр, динамик белгилар ва бошқалар) ҳақида тушунчалар бериш; муסיкий жанрларни фарқлай олишга ўргатиш; маҳаллий услублар, уларнинг ижрочилари ҳақида тушунчалар бериш; муסיқада замонавийлилик ва замонавий муסיқа, эстрада муסיқаси ва унинг ижрочилари ҳақида тушунчалар бериш; мутахассислиги бўйича ижрочилик услублари билан таништириш каби педагогик шарт-шароитлар акс этирилган. Шунингдек, ўсмир ёшларда бадиий воситалар орқали миллий ғоя тушунчаларини шакллантириш жараёнида ривожлантириш учун қуйидаги назарий ва амалий хулосаларга тўхталиб ўтиш жоиз:

- Тўғарак машғулотида устоз ва шогирт анъаналаридан фойдаланиш;
- Таълим мазмунида муסיқий меросимиз бойлигининг устуворлиги, умуминсоний қадриятлар ва миллий муסיқа дурдоналарини ўрганиш тамойилларига асосланиш;
- Машғулотлар жараёнини таълим ва тарбиянинг узвийлиги принципи асосида ташкил этилган;
- Тўғарак машғулоти мазмунини ўсмирларнинг маънавий, эстетик, рухий, сиёсий ва жисмоний ривожлантиришга йўналтириш;
- Байрам, ғоявий-сиёсий тадбирлар, конкурслар, ташкилий ишларини ривожлантириш.

Юқоридаги талаблар муסיқий тўғаракларда тарбиявий ишларни ташкил этишнинг турли хил йўлларида фойдаланишни тақозо этади. Ўтказилган тажриба-синов ишлари, унинг таҳлиллари бу тадбирларни қуйидаги йўналишларда олиб бориш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади:

1. Тадбирлар ўтказиш жараёнида миллий ғоя тушунчаларининг мактаб дастурида режалаштирилмаган мавзулари устида ишлаш.
2. Миллий ғоя тушунчалари мавзусида мунозаралар ташкил этиш. Мактаб, лицей ва гимназияларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантиришга қаратилган концерт дастурлари ва учрашувлар ташкил этиш.
3. Миллий ғоя тушунчаларини шакллантиришга қаратилган мусобақалар ташкил этиш.


Бундай тадбирлар турли мавзуларда ва турли йўналишларда ўтказилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан чоп этирилган “Ўқувчи маънавиятини шакллантириш”¹ деб номланган қўлланмада таълим-тарбия муассасаларида байрамларни, оммавий тадбирларни ўтказиш бўйича тавсиялар бериб ўтилган. Бу тавсиялар табдир ва шодиёналарни мазмунан бой, эса қоларли, таълим-тарбия учун фойдали тарзда ташкил этишга ёрдам беради.

1. Ўқувчи маънавиятини шакллантириш. // Умумтаълим мактаблари директорлари, маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари, синф раҳбарлари ва тарбиячилар учун қўлланма. – Тошкент: Шарқ 2000. – 229 б.

Битирув малакавий ишнинг иккинчи бобидаги параграфларда мактабдан ташқари таълим муассасаларида олиб бориладиган тарбиявий ишлар мазмун жиҳатдан бой ва ранг-баранг бўлиб, ўз ичига ғоявий-сиёсий, ахлоқий, бадиий-эстетик тарбияни, техник ижодкорлик, табиатшунослик ва экологик мазмундаги ишларни, жисмоний тарбия ва спорт, экскурсия каби фаолият турларини қамраб олади. Булар орқали йш авлодни ғоявий-сийсий жиҳатдан чиниқтириш ҳозирги кундаги миллий, мафкуравий ишимизнинг муҳим қисмини ташкил қилади.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги мусиқий тўғараклар фаолиятида ўсмирларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантириш тизими куйидаги 3-расмда акс эттирилди:

3-расм. Мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги муסיқий тўғараклар фаолиятида ўсмирларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантириш тизими.



Мусиқий тўғаракларда ўтказиладиган машғулотлар орқали ўсмирлар ҳар бир маҳаллий услубда ўзига хос ижрочилик услублари, чолғу асбобларини, мусиқа жанрларини ва уларнинг машҳур ижрочиларини, чет эл мусикаси ва бастакорларини фарқлай оладилар. Бунга ҳар бир жанрнинг ўзига хос муҳим белгилари ёрдам беради. Бу услублар, аввало, халқ оғзаки ижодиёти, бастакорлик ижодиёти ва санъатининг турли йўналишларига қизиқиш уйғотиш билан белгиланади. Чунки ҳар қандай фаолликнинг замирида қизиқиш ётади. Қизиқиш орқали ўсмир ривожланишга инилади. Интилиш шахснинг психик ҳолати бўлиб, у номаълумдан маълумга қараб бориш йўли амалга ошади. Танланадиган мусиқий асарлар ўсмирларда қизиқиш уйғотсагина, улар фаоллашади. Қизиқиш, танланган асарнинг мураккаблик даражаси, идрок қилиш қобилиятлари ва назарий билим доирасига мослиги билан узвий боғланган. Бу ишлар ўсмирлар онгида миллий ғоя тушунчаларини шакллантириш учун қулай педагогик шарт-шароитлар яратади.

1.2. Демократик жамият куришда миллий ғоянинг ўрни

Макон ва замонда истиқомат қилаётган хар бир инсоннинг ўзига хос – индивидуал хоҳиш ва истаги, орзу ва нияти, муддаоси, бир сўз билан айтганда, мақсади бўлади. Бусиз инсон ҳаётини тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки, мақсад инсонни истиқбол сари ундаловчи ва олға етакловчиенгилмас куч-қудратдир. Олимлар жамиятни индивидга, яъни инсонга ўхшатадилар. Агар биз шу қиёсга асосланиб фикр юритсак, миллий ғояни мақсадининг ўрнида кўрамиз ва шубҳасизки, давлат ёхуд жамият ҳаётини миллий ғоясиз тасаввурга сиғдириб бўлмайди. Ўз миллий ғоясига эга бўлмаган халқ истиқболли келажак учун умид қилиши маъносиздир. Президентимиз таъбири билан айтганда, **“Миллий ғоя – бу халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган сувда чўкмайдиган, ўлмас эътиқодидир”**¹. Шу боис баъзи таниқли олимларимиз ҳам бу масалада ўз фикрларини билдиришган. “Миллий ғоя нима? Унинг сиёсий, фалсафий – ҳуқуқий ва маънавий моҳияти қанақа? Миллий ғоя – истиқлол мафқурасининг туб мундарижаси, миллий юртнинг буюк мақсадлари сари чорловчи, сафарбар этувчи маёқ”², - деб таъкидлаган эди профессор Р.Рўзиев. Профессор С.Отамурадов эса “Миллий ғоя жеганда этник бирликни ўзида намоён этувчи, миллий онгни уйғотувчи, миллатнинг ўзлигини англатувчи, ўзига хосликка, менталитетга қиёфа бахш этувчи, миллий рухият, ғурур, ифтихор, эътиқод ва масъуллик туйғуларини шакллантирувчи тафаккур мажмуасини тушиниш мумкин”³, - деб ёзади.

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончидир. Озодж ва обоз Ватан, эркин фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. 507.6

2. Миллий ғоя ва мафқуранинг фасафий-хуқуқий фанлар ривожига аҳамияти. – Т.2009. Фалсафа ва ҳуқуқ институти. 17-б.
3. Отамуротов С. Глобаллашув ва миллат. – Т.: Янги аср авлоди, 2008. 76-б.

Миллий ғоя демократик жамият қуриш учун маънавий-рухий омил ҳисобланади. Чунки миллий ғояда иймон-эътиқод, маънавий-ахлоқий талаблар биринчи ўринда туради. Миллий менталитетимизга хос бўлган иймон-эътиқод, инсоф-диёнат, саховат халоллик, меҳр-оқибат, шарму-ҳаё каби маънавий-ахлоқий талаблар эъзозланиб, умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилади.

Миллий ғояга тарихий араққиёт жараёнида шаклланиб, рivoжланиб, миллий бирликни барқарорлиги ва яхлитлигини таъминлайдиган маънавий-рухий замин деб қарамоғимиз керак. Бу рухий ҳамда боқий замин миллат вакилларининг қалбида ватанпарварлик, миллатпарварлик, миллий ифтихор тўғриси, ёрқин тарихий хотира, миллий ўзликни англаш, бурч, маъсулият ва мажбуриятни ҳис қилиш шаклида намоён бўлади. Миллий бирликни таъминловчи тил, этномаданий яқинлик, урф-одат муштарақлиги миллий ғоянинг янада кучайишига таъсир этади.

Миллий ғоя ўзида озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек ҳалқимизнинг кўп асрлик орзу ва интилишларини мужассам этиши билан бирга, хавсизлик ва барқарорликни таъминлашни бош мақсад қилиб қўяди. Бу йўлда миллий ғоя ҳалқни уюштиради, жипслаштиради, ёш авлодни Ватанга, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялайди. Миллий ғоянинг муҳим ахлоқий тамойилларидан яна бири – миллатимизнинг тарихий хотираси, ўз она юрти ва ҳалқига бўлган чексиз ҳурмати, ифтихоридир. Шундай экан миллий ғоя – бу одамларни эзгу миллий мафқурага ишонтириш, олийжаноб мақсадлар сари сафарбар этишда маънавий-рухий жаҳатдан, улкан аҳамият касб этади. Ҳалқнинг рухий кайфияти, хиссий кечинмалари ва фаолият кўрсатишга шайлиги унинг ҳаракат дастури бўлган умуммиллий ғояга ишончи билан белгиланади. Ана шундай ишонч жамият фэзоларида

мустахаммат эъқодни шакллантириб, уларни янада жипслаштиради, мамлакат фуқароларини ўзаро тотув, дўст ва иноқ бўлиб яшашга, ўз манфаатларини Ватан манфаатлари билан уйғунлаштиришга чорлайди. Демак, демократик жамият қуришда миллий ғоянинг асосий тамойиллари миллий-маънавий озик беради.

Бу бунёдкор ғоя инсонларда онг ва маънавият, маданият ва ғурурнинг ўсиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Академик Э.Туленов, “миллий онг ижтимоий онг шакллари сингари маълум даврларда ўзининг нисбий мустақиллиги туфайли жамият асосини ташкил этувчи базис ва усткуртманинг моҳиятини тубдан ўзгартириб юборишга фаол таъсир кўрсатиши мумкин”¹, - деб ёзади. Шунингдек, у ҳалқимиз ва миллатимизнинг куч-қудрати ва имкониятларига, ғоявий-сиёсий жиҳатдан бир бутун ва яхлитлигига салбий таъсир этиши мумкин бўлган маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, қабила-уруғчилик муносабатларига қарши муросасиз кураш олиб боришга кенг жамоатчиликни даъват этади. Миллий ғоя миллий ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг кучайишига кўмаклашади. Шу маънода, “ғоя шугдай қувватга эгаки, у одамнинг ички дунёсигача кириб бориб, уни ҳаракатга келтирувчи, мақсад сари етакловчи руҳий маънавий кучга фйланади”², - деб таъриф беради профессор Қ.Назаров. миллий ғоя тамойиллари бизни доимо жамиятни тараққиётига дахлдор бўлган хусусиятлар ҳақида ўйлаш ва уларни англашга даъват этиб туради.

Айниқса, мустақилликка эришган давлатда жамият халқнинг дадил, ишончли одимларини кўра олмайдиган, унинг миллий-маданий кадриятларига тесқари ташвиқот қилиш орқали фуқаролар бирлиги ва жипслигига путур етказишни ният қилиб олган кучлар баъзан фаоллашиб қолган дамларда миллий ғоя асосидаги мафкуравий тарбия ҳар қачонгидан кўра зарурдир.

-
1. Туленов Ж. Хаёт фалсафаси. – Т.: Ўзбекистон, 1993. 231-б.
 2. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар (изохли кўргазмалар тўплами). – Т.: Янги аср авлоди, 2001. 80-б.

Чунки, фақат шу йўл билан кишилар онги-шуурида оқни қорадан, дўстни душмандан, ростни ёлғондан мафкуравий иммунитетни шакллантириш мумкин бўлади.

Хозирги глобаллашув даврида демократик ҳуқуқий давлат ва фуқоролик жамияти барпо этилаётган жараёнларда миллий ғоя ва мафкуравий тафаккурни ривожлантиришнинг юксак мақсад ва вазифалари белгиланган. Уларнинг энг асосийларидан бири ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялаш, мустақил давлатимизнинг онгли фидойисига айлантиришдир. Бу, албатта эуда мураккаб, узоқ вақт талаб қиладиган жараёндир.

Маълумки, бир жамиятдан бошқасига ўтиш даврида инсонлар онгида маълум даража мафкуравий бўшлиқ юзага келиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимиз фуқоролари, шу жумладан ёшлар онгида мафкуравий бўшлиқни тўлдириш мақсадида миллий ғоя концепцияси ишлаб чиқилди. Бунда, албатта мамлакатимиз ёшларини комиллик йўлида аждодларимиз бой маънавий мероси ҳамда миллий қадриятларимизга нисбатан ҳурматруҳида тарбиялаш муҳим ўрин тутди. Шу боис ҳам Юртбошимиз Ислон Каримов, “миллий ғоя, авваламбор, ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини жамиятимиз олдиға бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олиши шарт”¹, - деб тақидлаган эди.

Инсоният тарихи шундан гувоҳлик беради, ўзига мос миллий ғояға эға бўлмаган жамият учрамайди?! Аммо бошқа ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ғоялар одамлар онги ва эътиқодига миллий ғоя синғари чуқур таъсир этмайди.

-
1. Каримов И.А. Жамятимиз мафкуриси халқни халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. «Тафаккур» журналі. № 2. 1998.

Бунинг асосий сабаби, унда ижтимоий манфаатларнинг миллий рух, ғурур, кадр-қиммат, ор-номус билан мустаҳкам боғланиб ўзлигини англаш демакдир. Яъни, Юртбошимиз, “миллий ғояни шакллантиришдаги энг катта манба, бу ҳаққоний ёритилган тарихдир”¹, - деб бежиз таъкидламаган эди.

Демак, тарихий хотираси мустаҳкам, бой маданий меросига, кадриятларига, миллий маданиятига ҳурмати баланд бўлган халқнинг миллий ғояси теран ва барқарор тарзда шаклланган бўлади.

Шундай қилиб, миллий ғоя миллатни бало-қазолардан асраб қолиш имкониятига эга бўлган кучнинг ички моҳиятиниташкил этади. Бир сўз билан айтганда, миллий ғоя демократик жамят қуришда муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлади.

-
1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўк. – Т.: Ўзбекистон, 1998. 15-б.

1.3 Мактабдан ташқари болалар муассасаларининг ижтимоий педагогик хусусиятлари.

Мустақиллик шароитида халқнинг маънавий маданиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ишлари давлатнинг муҳим сиёсати даражасига кўтарилган масалалардан бирига айланди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохатлар ижросини таъминловчи комил инсонни тарбиялаш мураккаб жараён бўлиб, бу жараёнга алоҳида диққат-эътибор қаратиш талаб этилади. Давлатнинг мазкур таълимий сиёсатининг нечоғли самарали кечиши узликсиз таълим тизимининг барча бўғинлари узвий ва ягона механизм тарзида фаолият кўрсатиши муҳим аҳамият касб этади. Бу борада мактабдан ташқари таълимнинг имкониятлари алоҳида эътиборга моликдир. “Биз ҳалқимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, - деб такидлайди Президент И.А.Каримов, - бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озикланган маънавиятларимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин”¹.

Ўсмирларнинг ҳаётни англаш жараёнини чуқурлашувида ўз миллатига бўлган ҳиссий муносабат шакллана бошлайди. Улар ўз ҳаёти давомида халқнинг маданияти, урф-одатлари, тарихдаги туб бурилишлар, буюк

инсонлари ва санъати билан танишиш орқали қувонч ва фахрни ҳис эта бошлайди.

1. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Тошкент “Маънавият”. 2008. 4-б.

Атрофимиздаги оламни, жамиятимиздаги ҳодисаларни қабул қилиш миллий туйғулар гипертрофияси, деформация учун қулай асос бўлиб ҳизмат қилади.

Бошқа томондан шуни такидлаш жоизки, Ўзбекистон ёшлари ўртасида ўз миллий маданиятини, тарихини, урф-одатларини, бадиий меросини ҳис қилмайдиган, тан олмайдиган ва ҳурмат қилмайдиганлар ҳам учраб туради?! Ёшларимизнинг бундай вакиллари ватанпарварлик миллийлик каби ҳис-туйғулардан йироқдир, улар миллий, маданий, бадиий дурдоналарни мерос қилиб олишмаган.

Мактабдан ташқари таълимда олиб борилаётган ишларни мазмун жиҳатдан такомиллаштириш “2004-2005 ўқув йили – мактабдан ташқари таълимнинг самарадорлигини ошириш ўқув йили дастури”да кўрсатиб ўтилган. Унинг қуйидаги ҳолатларини ижтимоий-педагогик хусусиятлар сифатида алоҳида эътироф этиш жоиз. Хусусан:

- ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг турли тармоқларидаги тараққиёт ва ўзгаришлар синфдан ва мактабдан ташқари таълим-тарбия жараёнини, мактабдан ташқари таълим муассасалари иш фаолиятини такомиллаштириш;
- 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий даври асосида таълим муассасаларида яратилган ва яратилаётган моддий-техникавий ва таълим-тарбия имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича кадрларнинг билим ва тажрибаларини ривожлантириш;

- Хорижий давлатлардан кириб келаётган салбий ахборот оқимлари, жумладан диний экстримизмнинг мафкуравий тахдидларининг олдини олиш бўйича ўқитувчи, тарбиячи ва ўқувчилар учун услубий-амалий хизматни такомиллаштириш, бу борада ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш бўйича жаҳолатга қарши маърифат тамойилига асосланиб маънавий-маърифий тарбия ишларини ривожлантириш;
- Айрим йўналишлардаги (техник, экологик) тўғаракларнинг қишлоқ жойлардаги ривожланиш даражасини кўтариш;
- Мактабдан ташқари таълим муассасалари, маҳалла, турар жойлардаги иш фаолияти натижаларни бермаётир. Бу борада муассасалараро вазифаларни мувофиқлаштиришнинг чора-тадбирлари, аниқ мақсад ва вазифаларини белгилаш назарда тутилиши керак.

Шунингдек, мактабдан ташқари таълимий ва тарбиявий ишларда барча турдаги тўғараклар кутилган самара ва натижалар бермаётганлиги турли йўналишлар бўйича мувофиқлик, тадбирлар ташкил этилишида айрим соҳаларнинг эътибордан четда қолганлиги; таълим-тарбия соҳасида турли ташкилотлар билан етарли ҳамкорликнинг мувофиқлаштирилмаганлиги; ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда тўғаракларга жалб этилган ўқувчиларнинг қизиқишлари, сони ва ижтимоий келиб чиқишини атрофлича таҳлил этмаслик, маҳалла, ёшлар ташкилоти ва институтлари билан фаолият бирлигидаги номутаносибликлар, болалар етакчиларининг фаолиятини услубий таъминлашда қатор муаммолар мавжуддир.

Шундай қилиб, мактабдан ташқари муассасаларда амалга оширилаётган тарбиявий ишларда ўсмирларнинг миллий ғоя ва мафкура тушунчалари шакллана боради. “Муסיқа маданияти” дарси муסיкий тўғаракларда амалий жихатдан фаол тарзда намоён бўлади. Тўғарак машғулотлари биландарс ўртасидаги умумийликларга машғулларнинг ташкилий шакли, тўғарак раҳбарлари қўллайдиган метод ва усуллар орқали

Ўқувчининг фаоллиги ва ташаббускорлигига эришиш ҳамда унга таяниш, машғулотларнинг янги хулосалар билан яқунланиши кабилар киради.

1.4 Мусиқий тўғараклар фаолиятида миллий итиқлол ғояларини шакллантириш ва таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган бадиий жамоалар ёшлар ҳаётини кенг камраб олиб, уларнинг бадиий ижодиётига бўлган қизиқишларини оширмоқда. Ўқувчиларнинг бадиий жамоаларда мунтазам иштирок этиши, аввало, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтиши билан боғлиқ бўлиш баробарида, уларни ҳар хил салбий ҳаракатларга кўшилишдан асрайди. Улар онгида яхшилик Ватанга муҳаббат туйғиларини устиради. Келажакда бирор касб-ҳунар эгаси бўлишига замин ҳозирлайди.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги мусиқий тўғараклар бу кўникмаларни шакллантиришда қулай имкониятларга эга. Кузатишлар шундай хулосага олиб келадикки, ўсмирлар мусиқий тўғараклар таълим жараёнида миллий истиқлол ғоялари бўйича бир қанча тушунчаларга эга бўлади.¹

Айни пайтда матбуот, радио, телевидение ва давлат миқёсида ўтказилаётган тадбирлар ҳам ўқувчилар ўртасида миллий истиқлол ғояларини шакллантиришда маълум аҳамиятга эгадир. Ҳозирги кунда телевидение орқали “Ўйла изла топ!”, “Янги авлод”, “Бу турфа олам”, “Минг бир ривоят”, “Ёшлар овози”, “Мумтоз наволар”, “Алпомиш авлодлари” каби телекурсатувлар, Ўзбекистон радиоси орқали берилаётган “Миллий ғоя ва тафкура”, “Тарих ва ёшлар”, “Радиотест”, “Келажак тонги”, “Ўсмир” каби эшиттирувлар тез-тез эфирга узатилиб турилади. Албатта, булар яхши. Лекин, кўрсатув ва эшиттиришларнинг кўплиги кўнгилочар мавзуларга қаратилган бўлиб, уларнинг таълимий-тарбиявий мавзуларга йўналтирилганлари санокли.

Шу боисдан, ҳозирги кун ўқувчи-ёшларда миллий истиқлол ғояларини шакллантиришнинг ўзига ҳос тизими заруриятга йланмоқда ва миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш тамойиллари ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Ўқувчи-ёшлар билан ишлар олиб боришда маданий-маърифий муассасалр ўзига ҳос аҳамият касб этади.

«Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да истеъдодли болаларни излаб топиш, уларнинг ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш каби муаммолар узлуксиз таълим жараёнининг муҳим педагогик масаласи сифатида кўрсатиб ўтилган. Ўқувчиларнинг бадий ижодиёт соҳасидаги иқтидорларини рўёбга чиқаришда, уларнинг эстетик эҳтиёжларини қондиришда мактабдан таъдим муассалари алоҳида ўрин эгаллайди. Ўқувчи ёшлар ижодиёт уйлари, саройлари, техника, ўлкашунослик ва сайёҳлик марказлари, болалар кўғирчоқ ва ёш томошабинлар театрлари, клуб ва кутубхона, спорт ва мусиқа мактаблари, ёзги оромгоҳлар ва бошқа муассасалар томонидан олиб бориладиган таълим-тарбия, маданий-оқартув машғулотлари шулар жумласига киради.

Мактабдан ташқари таълим тури ҳил тартиббузарлик ва жинойатларнинг олдини олиш, ёшларнинг турли оқимлар таъмирига берилишига йўл қўймасликнинг муҳим омили саналади. Ҳозирги пайтда республикамизда 584 та мактабдан ташқари таълим муассасалари мавжуд бўлиб, уларга 507 мингдан ортиқ ўқувчи йшларнинг жалб этилган¹.

Ўқувчи ёшларнинг ижодий имкониятларини аниқлаб, иқтидорли болалар касбга йўналтириш, бўш вақтларини сермазмун ўтказиш борасида амалий ишларни. Ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган «Ўқувчи ёшларнинг мактабдан ташқари бўш вақтларини ташкил этиш борасида 2002-2005 йилларга мўжалланган истиқбол дастури»¹ да ўқувчи ёшлар онгида миллий истиқлол ғояларнинг шакллантиришнинг назарий ва амалий шарт-шароитлари санаб ўтилган. Жумладан, ўқувчи ёшларнинг талаб-истакларини ва қизиқишларини ўрганиш, уларни турли тўғаракларга жалб этиш мақсадида таълим муассасаларида ва маҳаллаларда «Истеъдодларни излаймиз» мавзусида суҳбат, мусиқа кечалари ва эркин мулоқотлар ўтказиш иадбирларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Лекин шунга қарамай, тўғараклар фаолияти тарғиботи яхши йўлга қўйилмаган. Бунинг исботи сифатида тўғаракларга жалб эталган ўқувчилар сони камлигини кўрсатиб ўтиш кифоя.

Тўғарак машғулотлари билан дарс ўртасида баъзи бир умумийликлар мавжуд. Бунга машғулотларнинг ташкилий шакли, тўғарак раҳбарлари қўллайдиган метод ва усуллар, машғулотларда ўқувчининг фаоллиги ва ташаббускорлигига эришиш ва унга таяниш, машғулотларнинг янги хулосалар билан яқунланиши кабилар киради.

Мусиқа санъатлар орасида ўзининг таъсир кучи жиҳатдан асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда республикамиз миқёсида бадиий тўғараклар, мусиқа мактаблари, болалар ва маданий-оқартув муассасаларига катта эътибор берилмоқда. Бу муассасаларнинг асосий мақсади ёшларни ўргатиш ва уларда мусиқий қобилиятни ривожлантиришдан иборат.

«Хор», «Рақс», «Чолғувчилар», «Мақом», «Ашула ва рақс» тўғараклари «Муסיқа маданияти» ўқув предметининг мантиқий давоми, чуқурлаштирилган таълим, шакли ҳисобланади. Шунинг учун тўғарак хоналарини замонавий техника билан жихозлаш, чолғу асбоблари ва ўқитиш воситалари билан таъминаш, дастур ва услубий қўлланмалар билан бойитиш лозим бўлади.

Мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини таъминлаш учун:

- муסיқий тўғаракларга жалб этиш бўйич тарғибот ишларини ривожлантириш мақсадида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, мактабларда тўғарак қатнашчилари иштирокидаги концертлар, учрашувлар ташкил қилиш, тўғарак раҳбарларининг мактаб билан узвий алоқасини ўрнатиш зарур.

Мактабдан ташқари тўғаракларда олиб бориладиган барча ишлар фақат тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб қолмасдан, балки ёшларга таълим беришни ҳам кўзда тутаяди. Бу даставвал, ўқувчиларнинг мактабда олган билимларини мустаҳкамлаш ва янада такомиллаштириш, уларнинг барча фанларга бўлган қизиқишларини орттириш, янги билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш каби фаолиятларида намоён бўлади.

Тўғарак машғулотларнинг педагогик ва услубий самарадорлигини оширишда, миллий истиқлол ғояси, миллий мафкура, миллий мерос, миллий санъат тушунчаларига асосланиш лозим.

Тўғарак ишлари дастури ўқувчиларнинг қизиқиши, истак ва талаблари, маҳаллий шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда тузилиши зарур. Тўғараклар моддий базасини яхшилаш керак. Зеро,

«Мактабдан ташқари муассасаларни маблағ билан таъминлаш Республика ва маҳаллий бюджетлар, корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар, айрим шахслар ва қўшимча манбалар ҳисобидан амалга оширилади»¹.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларининг жадал ривожланиши бу масалаларда таълим-тарбиявий ишларни олиб бориш учун ҳар томонлама тайёргарлик кўрган кўп сонли тўғараклар раҳбарлари, инструкторлар, оммавий тадбир ташкилотчиларининг бўлиниши талаб қилади. Ҳозирги кунда мактабдан ташқари болалар муассасаларини педагогик кадрлар билан таъминлаш масаласи ҳал қилинган. Болалар муассасаларнинг тўғарак машғулотида ва оммавий-сиёсий ишларида минглаб турли соҳа вакиллари, юқори малакали мутахассис-кадрлар фаолият кўрсатмоқдалар.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўқувчиларнинг маънавий эҳтиёжларини кондиришда мактабдан ташқари муассасалар катта аҳамиятга эга.

Маълумки, тарбиявий ишлар фақат жарс жараёни билангина чекланиб қолмасдан, балки давдан ташқари вақтларда ҳам давом этади.

Муסיқий тўғараклар фаолиятида ёшларда миллий истиқлол ғоясини шакллантиришнинг мазмуни, шакл ва воситаларини назарда тутган ҳолда, қуйидагиларни қўллашни тавсия этамиз:

- муסיқий тўғаракларга жалб этиш бўйича тарғибот ишларини ривожлантириш;
- тўғарак фаолиятида муסיқий-назарий билимларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш.
- репертуар танлашда миллийлик, ғоявий мазмундорлик ва ватанпарварлик каби тушунчаларга кўпроқ эътибор қаратиш;

- таълим ва тарбия жараёнида ўқитишнинг янги технологияларидан, оммавий ва илғор тажрибалардан ҳамда техник воситалардан унумли фойдаланиш;

1. Мактабдан ташқари муассаса тўғрисида Низом, 8-бўлим.

- бадиий воситалар ёрдамида ўсмирларда миллий истиқлол ғояларини шакллантириш.

Хулоса қилиб айтганда, мактабдан ташқари таълим муоммоларини ўрганиш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар, таълим тизимининг узликсизлигини таъминлаш, мазмунини чуқурлаштириш ва илмий-услубий жиҳатдан такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, оила, мактаб ва мактабдан ташқари таълим жараёнлари узвийлигини ифодалайди. Бу уўвийлик асосида ўсмирларни мамлакатимиз тараққиётида фаол иштирок этишга тайёрлаш, уларда Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик ғояларини шакллантириш ҳозирги кун педагогикасининг вазифасидир.

II-боб. Мусиқий тўғаракларда ўсмирлар онгида миллий истиқлол ғояларини шакллантириш.

2.1 Мусиқа орқали ёш авлоб онгида миллий истиқлол ғояларини сингдириш.

Маълумки, мусиқий тарбия ёш авлодга энг кичик ёшидан бошлаб сингдириладиган, ҳатто бола туғилмасдан олдин онанинг асбларини тинчлаштириш орқали болага таъсир кўрсатадиган тарбия туридан бири бўлиб, у инсонга бутун умри давомида ҳамроҳ, ҳамнафасдир. Ёш авлодга миллийлик туйғуси қондан ўтганидек, мусиқа ҳам қон билан бирга ўтади. Чунки, ота-она шу мусиқалар орқали ўзининг миллий мусиқаларини бошқа халқлар, миллатлар мусиқасидан фарқлайди.

Ҳар бир халқнинг миллат бўлиб шаклланиши учун, ўз миллий тили, миллий урф-одатлари, анъаналари, миллий кийими ва миллий маданияти, шу жумладан миллий адабиёти ва санъати бўлиши зарур. Маълумки санъат миллий адабиёти ва санъати бўлиши зарур. Мадомики санъат миллийликнинг шартларидан бири бўлиб ҳисобланар экан, мусиқа ҳам миллатнинг миллат бўлиб шаклланиши шартлари сирасига киради.

Ёшларни миллий истиқлол ғояларига содиқ қилиб тарбиялаш ҳозирги таълим-тарбия тизимининг муқаддас вазифаси ҳисобланади ва бу бўғрида мухтарам президентимиз ўз асарларида қимматли фикрларни айтиб ўтган. «Таълим тўғрисида» ги қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва шу асосда ёш авлодга ўқитиладиган, ҳар бир предмет учун махсус ишлаб чиқилган «Давлат таълим стандартлари» талабаларида ҳам ҳарбир фанни ўқитишда жамиятнинг бош мақсадида келиб чиққан ҳолда ёшларни юртиша,

ватанига ва миллатига садоқатли бўлиш, ўз жамиятининг бошқа жамиятлардан кам бўлмаслиги учун ҳар биримизнинг ҳормай-толмай курашишимиз, керак бўлса жон фидо этишимиз айтиб ўтилган.

Шундай экан, бу вазифа мусиқий таълим тизимига ҳам даҳилдордир. Хуш, мусиқий таълим жараёнида ушбу вазифа қандай тартибда бажарилади? Умуман мусиқий таълимни маълум бир ғояга бўйсиндириб бўладими? Ҳа, бўлади! Бу вазифани бажариш ўқитувчининг маънавиятига ва ватанпарварлик ғояларига қай даражада содиқлигига боғлиқдир.

Маълумки, мусиқий таълимнинг асосий қисмини кўшиқ куйлаш жараёни ташкил этади. Кўшиқларда эса, маълум ғоялар, фикрлар шеърий сатрлар орқали ифодаланади. Шундай экан ёшларнинг куйлаётган ҳар бир кўшиғи ё, ватанга ёки унда яшовчи халққа, ёхув унинг ижтимоий-маънавий ҳаётини ёритишга боғланади.

Демак, ҳар бир кўшиқ ёшларни ахлоқ-одобли бўлишига, миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз, заминимиз, ундаги бойликлар, уларни асраш, жисмоний соғлом бўлиш, ватанга, унинг ижтимоий тузумига раҳбариятга ҳурмат билан қарашга ўргатмоғимиз зарур. Шеърий мисраларга йўғрилган ушбу ғояларни ёшлар онгига сингдириш бошқа соҳаларга караганда мусиқий жараёнда анча осон ва таъсирли кечади. Фикрларимизни асослаш учун бастакор Қ.Мамировнинг М.Мирзаев шеърига басталанган «Ўзбекистон ёшлари» кўшиғини кўрсатишимиз мумкин.

Ўзбекистон хур авлоди ўзини англар,
Истиқлолнинг янгроқ сози шўх жаранглар,
Қадим юртга тўлди бу кун турфа ранглар,
Тозагул бўл сен ҳам яшна чаман учун,
Ёниб яша, ёниб яша ватан учун.

Қисқагина сатрлардаги олам-олам маъно ва мазмунни, аввало шеъринг матн қолаверса унга басталанган миллий рухдаги чиройли мусиқа жўрлиги ёшлар онгига етказиш, ёшларни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш йўлидаги энг самарали воситалардан бири ҳисобланади.

Ёки

Оқ юракка ўрагансан ўзинг бизни

Оқ ювиб, оқ тарагансан ўзинг бизни

Бешигимиз узра бедор она бўлиб

Кунимизга ярагансан ўзинг бизни

Ватанпарварлик мавзусидаги бундай шеърлаш мазмунини ёшлар онгига кўшиқдан бошқа бирор восита кўнгилдагидек етказа олмаслигига ишончимиз комилдир.

Шуни ҳам айтиб ўтишимиз лозимки, ватанпарварлик ва миллий истиқлол ғояларини ёшлар онгига фақатгина баландпарвоз сўзлар воситасида етказиш ярамайди. Бундай ғоялар оддий, ҳалқнинг кундалик ҳаётимизда кўп ишлатадиган сўзлар воситасида тезкор ва таъсирлироқ амалга оширилади. Юқорида кўрсатилган шеъринг сатрларнинг иккинчиси ниҳоятда ҳалқчил бўлганлиги учун олдингисига қараганд муваффаиятлироқ таъсир ўтказди. Ватанпарварлик аслини олганда ўзи туғилган оилага ҳонадонга қавм-қариндошга, кўни-кўшнига, она-ерга, меҳнаткаш инсонга муҳаббат демакдир. Шундай экан, мана шундай мавзуларда ёзилган кўшиқлар ҳам ватанпарварлик тарбияси йўлида ҳизмат қилади.

Масалан, Ватан равнақи ғоясини ўзида акс эттирадиган жуда кўп мусиқий асарлар яратилган бўлиб, улар орқали инсоннинг киндик қони тўкилган тупроқ, уни касол топтирган, ҳаётга маън-мазмун бахш этадиган табарруқ масканга нисбатан меҳр, ватанпарварлик, ҳурмат эътибор каби ҳис-туйғуларни шакллантириш мумкин. Масалан, хор жамоасида янги асар билан танишиш фаолиятида, суҳбат жараёнида Д.Омонуллаеванинг “Ўзбекистон –

Ватаним маним” кўшиғи (шъер муаллифи Ж.Жабборов)дан куйидаги сатрлар таҳлил қилиб берилса мақсадга мувофиқ бўлади:

Кўшиқларда ватан маъноси,
Кўшиқларда ҳалқим садоси,
Ватан куйин янгротса диллар,
Янграр юртнинг еру самоси.

Нақорат:

Кўшиқ-қалбим, чаманим маним,
Кўшиқ-фаҳрим, жон-танним маним,
Диёр бўйлаб янграр бир кўшиқ:
“Ўзбекистон – Ватаним маним”
Ватан-Она, биз унга фарзанд,
Бир чинорнинг барглари монанд.
Дилдан дилга йўл олур кўшиқ,
Кўнгилларни этгай пайванд.

Нақорат:

Кўшиқ-қалбим, чаманим маним,
Кўшиқ-фаҳрим, жон-танним маним,
Диёр бўйлаб янграр бир кўшиқ:
“Ўзбекистон – Ватаним маним”

Нақорат:

Бу кушиқдаги “Ватан – она, биз унга фарзанд”, “Бир чинорнинг барглари монанд” каби сатрлар Ватаннинг она каби муқаддаслиги, биз унинг фарзандлари “бир чинорнинг барглари” каби бир онанинг, яъни бир ватаннинг фарзандлари эканлигимиз тараннум этилган. Шунингдек, кўшиқда

Ватан бир буюк боққа ўхшатилса, фарзандлар унинг гул-чечакларига ўхшатилган.

Муқиқий асарларнинг ўзига хос хусусиятлари, маъмуни, ифода воситалари орқали ўсмирларга Ватан равнақи ғояси ҳақида билим бериш, бу борадаги ғоявий тарбияни янада бойитиш мумкин.

2.2 Мусиқа тинглаш машғулотларида ўсмирларнинг ғоявий-эстетик дунёқарашларини шакллантириш.

“...хар қайси ҳалқ ёки миллатнинг маънавияти, унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омилларидан бири бўлиб хазмат қилади”¹

Шу маънода Шарқ алломаларининг муқиқий таълимий ва тарбиявий аҳамияти, умуман, мусиқа тинглаш ҳақидаги фикрлар эътиборга лойиқдир. Форобий муқиқани тарбиявий фан деб атайди ва мусиқа тинглашнинг аҳамияти ҳақида шундай дейди: “бу фан шу маънода фойдалики, кимнинг феъл-атвори мувозанатни йўқотган бўлса, тарбия келтиради, камол топмаганларни камолга етказди ва мувозанатда бўлмаганларнинг мувозанатини сақлайди. Бу – таннинг соғлиғи учун ҳум фойдалидир, чунки тан касалга учраса, руҳ ҳам сўлийди, ожизлашади, тан қийинчиликка учраса, руҳ ҳам азобга учрайди. Шу сабабли таннинг даволаниши руҳни даволаш орқали амалга оширилади, овозларнинг таъсири остида руҳий қувватлар ўз субстанциясига мослашади ва тартибга, муозанатга келади”²

Мусиқа орқали ўсмирлар онгига яхши фазилатларни сингдириш ва уларнинг соғлом бўлиб вояга етишлари тўғрисида Абу Али ибн Синонинг кўйидаги фикрларини мисол қилиб келтириш мумкин. У “Донишнома” асарида илмларни тасниф қилиб, илм ўрганиш йўлларини босқичларга бўлиб кўрсатади. Илмга эришишнинг энг асосий йўли болаларни ёшлиқдан бошлаб

таълим-тарбия таъсири остига олишдир. Шунинг учун ибн Сино болаларни олти ёшдан бошлаб муаллим ихтиёрига топширилиши, таълим аста-секинлик билан берилиши кераклиги, бирданига болани китобга боғлаб кўймаслик лозим эканлигини айтади (3,303).

1. Ҳақл таълими. 2009 йил. 2-сон, 124-бет.

2. Ҳалқ таълими, 2009 йил, 2-сон, 125-бет.

Муסיқа маданияти миллатимиз маънавий ҳаётида улкан ўринни эгаллайди. Бу ҳақда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қуйидаги сўзлари эътиборлидир: “Аҳли нағмадин қонунни Хўжа Абдулло Марворича киши чалмас эди, нечунким мазкур бўлди.

Яна қул Муҳаммад Удий эди, ғижжакни ҳам хўб чалур эди, ғижжакка бу уч қил тақди. Аҳли нағмадан ва аҳли создин ҳеч ким мунча кўп ва хўп пешвар боғлағон эмастур. Пешвардин ўзга ишларда мунча эмастур. Яна Шайхий Нойи эди, удин ғижжакни ҳам хўб чалур экантур”¹.

Шундай фикрлар, Абу Райхон Беруний ҳикматларида, Юсуф Хос Хожиб асарларида ҳам янада кенгроқ ёритиб берилган. Собиқ шуро даврида мучиқа маданияти тарихи бир ёқлама талқин этилиши натижасида ёшларнинг миллий муסיқий диди суетлашиб, ёш авлод ота-боболаримизнинг шукуҳли муסיқа меросидан деярли беҳабар қолиб, уларда миллий ифтихор туйғулари шаклланмай қолаверади. Негаки, Ватанга муҳаббат унинг тарихини, демак, унинг таркибий қисми-муסיқа маданияти тарихини ўрганишни ҳам назарда тутди. Шундай экан, бу масала муסיқа тўғаракларининг муҳим тарбиявий вазифаларидан бири сифатида амалга оширилишини тақозо этади.

“Муסיқа маданияти” ўқув предмети йўналишидаги тўғаракларда мазмун жиҳатдан ватан равнақи, юрт тинчлиги, ҳалқ фаровонлиги, комил инсон, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик каби миллий ғоя тушунчалари акс эттирувчи бадий асарлар репертуардан ўрин олиши муҳим омил саналади.

Муסיқа тинглаш в куйлаш муסיқий таълим мазмунини ташкил этади. Тўғараклар машғулотларида муסיқа тинглаш орқалим асар мазмуни, услуби, жанри, бастакори, муסיқий-назарий жиҳатлари ва бадиий ифода воситалари таҳлил қилиб чиқилади.

1. Ўша жойда – 125 бет

Тўғарак жамоаси (масалан, раққослар, ансамбл, ёки хор жамоаси) ёки ижрочи (рубобчи, доирачи, ғижжакчи ва ҳ. к.) ёш хусусиятлари, малакалари ҳисобга олинган ҳолда ижро учун берилган муסיқий асар билан таништириш кўйидаги тўрт босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқичда асарнинг номланиши, бастакори ёки унинг халқ оғзаки ижодиётига оидлиги, мазмуни ҳақида қисқача айтиб ўтилиб, сўнгра ўқувчилар олдига “тинглашдан мақсад” кўйилади. “тинглашдан мақсад” асар тузилишига, жанрига, муסיқий-назарий таҳлилига ва ғоявий мазмунига оид бўлиб, куйидаги мазмундаги саволлардан ташкил топиши мумкин:

1. Асар қайси шакл ёки жанрга таалуқли?
2. Неча қисмдан ташкил топган?
3. Қандай чолғу асбобларида ижро этилган?
4. Қайси халқ ижодиётига таалуқли?
5. Асар ҳарактери қанақа?
6. Характерни ифодалаш учун қандай ифода воситаларидан фойдаланилган?
7. Асарнинг ғоявий мазмуни нимадан иборат?
8. Асарда қандай образлар тасвирланган?
9. Образларни тасвирлашда қандай ифода воситаларидан фойдаланилган?
10. Асар қайси ладда ёзилган?

Мақсадсиз тинглаш яхши натижа бермайди. Юқоридаги саволлар тинглаш вақтида тингловчилар диққатининг асарнинг барча жиҳатларига жаб қилишга, барча барча билимларини ишга солишга мажбур қилади.

Иккинчи босқичда тўғарак раҳбари берилган материалларнинг ижро сифатига, тозалигига ва ифодавийлигига эътибор қаратади.

Учинчи босқичда асарни ҳар томонлама таҳлил қилишга ўтилади. Тингловчилардан (ўқувчи ёки жамоадан) берилган саволларга жавоблар талаб қилинади.

Тингловчилар фикрлари эшитилгандан сўнг (**тўртинчи босқич**) тўғарак раҳбари барча жавобларни умумлаштириб, умумий хулоса чиқаради. Тингловчилар эътиборидан қолиб кетган жиҳатлар ёритиб берилади. Сўнгра асар қайта тинглашга берилади. Қайта тинглаш вақтида жамоадошларнинг билдирилган фикрлари, тўғарак раҳбарининг берган маълусотлари ўқувчи кўз олдидан ўтади, асар ғояси назарий жиҳатдан идрок қилинади. Шу тариқа ўқувчи асар ҳақида кўпроқ маълумот ва эмоционал таъсир олади.

Муסיқа тинглашни шу тартибда ўтказиш билан ўқувчиларнинг назарий билимлари, ижодий фикрлашлари, маънавий-эстетик ва ғоявий дунёқарашлари шаклланганлик даражасини аниқлаб олиш мумкин. Шу билан бирга уларга муסיқий-назарий билимлар бериш ва ғоявий таъмир ўтказиш имкониятлари янада кенгаяди.

Муסיқа тинглаш машғулотларида ўсмирларнинг ғоявий-эстетик дунёқарашини шакллантириш юзасидан зтказилган тажриба-синов ишлари жараёнида муסיқа тинглаш учун муסיқий асарларнинг қуйидаги гуруҳларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб топилди:

- Ўсмирларнинг назарий билимларини мустахкамловчи турли жанр, турли темпдаги ва турли характердаги асарлар;
- Турли ансамбиллар, оркестр ва жамоалар ижросидаги асарлар;
- Мазмун жиҳатдан миллий ғоя тушунчаларини акс эттирувчи асарлар.

Экспериментал ишлар жараёнида, мақсадли тинглаш фаолияти доимий равишда ўтказилиб турилганда, бу усул учун ҳам назарий, ҳам ғоявий таълим-тарбия жараёни учун жуда қулай ва қизиқарли эканлиги ойдинлашди.

2.3 Мусиқа тўғараклари учун ўсмирларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантиришга йўналтирилган репертуар танлаш.

Мусиқа санъати воситасида ўсмирларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантириш самарадорлиги кўп жиҳатдан репертуарларнинг тўғри ҳамда мақсадга мувофиқ, равишда танлашга боғлиқ. Миллий ғоя мавзусидаги кўй ва қўшиқларни танлашда ўсмирларнинг ёши, умумий тараққийт даражаси, ўсмир тарбияланаётган тўғаракдаги ижтимоий ва маънавий муҳит, уларнинг тайёргарлик даражасига мусиқий асарлардаги образ, мазмун ва ғоянинг мувофиқ тушушини ҳисобга олиш муҳим педагогик масаладир. Тажриба-минов ишларининг таҳлили миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларини акс эттириши мумкин бўлган етти хил йўналишдаги мусиқий асарлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади. Булар динлараро бағрикенглик ғояларини ифодаловчи бадий асарлардир.

Ватан равнақи ғояси ҳақида жуда ҳам кўп мусиқий асарлар яратилган. Улар орқали инсоннинг киндик қони тўкилган тупроқ, уни камол топтирадиган, хаётига маъно-мазмун бахш этадиган табаррук масканга нисбатан меҳр, ватанпарварлик, хурмат-эътибор каби ҳис-туйғуларни шакллантириш мумкин. Масалан, хор жамоаси ва янги асар билан танишиш фаолиятида, суҳбат жараёнида Д.Омонуллаеванинг “Ўзбекистон – Ватаним

маним” кўшиғи (шер муаллифи Ж.Жабборов)нинг куйидаги сатрларини таҳлил қилиб берилса, мақсадга мувофиқ бўлади:

Кўшиқларда Ватан маъноси,
Кўшиқларда ҳалқим садоси,
Ватан куйин янгротса диллар,
Янграр юртнинг еру самоси.

Ёки:

Ватан – она, биз унга фарзанд,
Бир чинорнинг барглари монанд,
Дилдан-дилга йўл олур кўшиқ,
Кўнгилларни этгайдир пайванд.

Бу кушиқдаги “Ватан – она, биз унга фарзанд”, “Бир чинорнинг барглари монанд” каби сатрлар Ватаннинг она каби муқаддаслиги, биз унинг фарзандлари “бир чинорнинг барглари” каби бир онанинг, яъни бир ватаннинг фарзандлари эканлигимиз акс эттирилади. Шунингдек, кўшиқда Ватан бир буюк боққа ўхшатилса, фарзандлар унинг гул-чечакларига таққослайди.

Шундай мусиқий асарлар ҳам борки, улр орқали ўсмирларда маънавий қадриятларимизни илм-фан ва тараққиёт ютуқлари билан бойитиб бориш, ўзлигини миллатини чуқурроқ англаш имконини беради. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳиясидаги куйидаги сатрлар фикримизнинг ёрқин далилидир:

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
Эркин ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиқлол машъали тинчлик посбони,
Халқсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Мусиқий асарларнинг ўзига ҳос хусусиятлари, мазмуни, ифода воситалари орқали ўсмирларда Ватан равнақи ғояси ҳақида билим бериш ва уларда бу борадаги ғоявий тарбияни янада бойитиш мумкин.

Юрт тинчлиги ғояси. Ўзбек халқи азал-азалдан тинчликсевар халқ бўлиб, ўз орзу-интилишлари, мақсад-муддаоларини руёбга чиқаришда тинмай курашиб келади. Лекин, афсуски, бу эзгу тилакларга қаршилик қиладиган кучлар ҳам йўқ эмас. Улар ўз ғаразли мақсадлари йўлида низо-адovat, уруш ва қирғинларни қўзғаб юрадilar. Шунинг учун ҳам мустақиллигимизни, тинчлигимизни тажавузкор кучлардан ҳимоя қилишга доимо тайёр туришимиз лозим.

Тўғарак раҳбарлари ўсмирлар онгида юрт тинчлиги ғоясини шакллантиришга хизмат қиладиган қуйидаги асарлар танлашлари мумкин:

«Ислombобо» (Ш.Ёрматов мусиқаси, С.Раҳмонов шеъри), «Ёш аскарлар» қўшиғи (Сайфи Жалил мусиқаси, С.Барноев шеъри), «Ҳосил тарлnasi», (М.Левиев мусиқаси, Т.Тўла шеъри), «Йўлларим», (М.Ашрафий мусиқаси, Т.Тўла шеъри) ва ҳоказо.

Халқ фаровонлиги ғояси. Халқ фаровонлиги деганда, одамларнинг муносиб турмуш шарoити, моддий жихатдан тўқис яшаши, халқимизни фаровон ҳаёт кечирishi учун амалга оширилаётган ислохатлар тушунилади. Халқ фаровонлигига эришиш учун ҳар бир шахс ўзининг қўлидан келган барча имкониятларини, тадбиркорлик, ташаббускорлик, меҳнатсеварлик қобилиятларини намоиш этишлари талаб этилади.

Комил инсон ғояси. Ҳар бир миллат ўз сиёсий, иқтисодий ва маънавий камолатига қилми инсонни тарбиялаш орқали эришади. Комил инсон эса бир қанча шахсий хусусиятларни ўзида мужассам этмоғи лозим. Шу жаҳатдан, халқ оғзаки ижоди, бастакорлик ижодиётининг жуда кўп намуналари инсоннинг шахс сифатида шаклланиши, камолотга етишиш масалаларига катта хисса қушади.

Халқ оғзаки ижоди, хусусан, фольклор халқимизнинг дунёқараши, бадий ижодийти, меҳри ва қаҳр-ғазаби, орзу-истаклари ва ижодий салоҳиятини акс эттиради.

Асрлар давомида халқимиз ўз фарзандларининг илк тарбиясини унинг қалбига меҳр-оқибат ва фидойилик уруғини олиб кирган «Алла» қўшиғидан

бошланган. Аллаларнинг ғоявий йўналиши болада маънавий-ахлоқий хаслатлар мажмуини шакллантиради.

Комил инсон ғояси акс этган муסיқий асарлар ўсмирларнинг фикр-мулоҳазаларини мантиқий йўналтириб, эмоционал таъсир орқали тарбиявий аҳамияти янада кучаяди. “Юртим сенга салом” (Д.Зокиров муסיқаси, Зулфия шеъри), “Куйлайман” (А.Муҳаммедов муסיқаси, Камтар шеъри), “Қуёшистон” (Қ.Раҳимов муסיқаси, Сайёр шеъри), “Мустақиллик лолаларимиз” (Р.Абдуллаев муסיқаси, Н.Нарзуллаев шеъри), “Диёр мадҳи”, (Н.Норхўжаев муסיқаси, Ҳабиб Раҳмат шеъри), “Мен ғунчаман” (Қ.Раҳимов муסיқаси, Н.Нарзуллаев шеъри) каби асарлар комил инсон ғоясини акс эттирувчи характерга эга бўлиб, улар юксак маънавий ва жисмоний баркамолликни мужассам этган шахсни тараннум этади.

Ўсмирларнинг жисмоний, маънавий, ақлий баркасолликка эришишида умумбашарий ва миллий қадриятларнинг ҳамда ахлоқ-одоб, урф-одат шаклида қадриятларининг аҳамияти катта. Турмушда энг олий қадрият хисобланган меҳнатга ижодий ёндашиш фазилатлаини шакллантириш юзасидан меҳнат кўшиқлари С.Юдаковнинг “Мирзачўл” («Теримчилар» кўшиғи, деб номланган қисми вокам симфоник сюити), Қ.Мамиров сўзи ва муסיқаси билан айтиладиган “Ҳунарманд ёшлар кўшиғи” каби асарлар билан таништириб бориш мақсадга мувофиқю ўсмирларни жисмоний соғломлаштириш бўйича У.Мусаевнинг “Тўмарис”, “Алпомиш”, “Гўрўғли” дostonларидан кўшиқлар, Н.Норхўжаев муסיқаси, Қ.Саидмуродов шеъри билан “Ёшлик завқи” каби асарлар билан бирга турли машғулот шаклидаги куйидаги жисмоний ва ритмик ҳаракатлар тизими – гигиена гимнастикаси, ҳаракатли ўйинларни қўллаш мумкин. Шу билан бирга ватанга муҳаббат туйғусини тарбиялашда юртимиз маданияти тарихи, муайян даврлардаги мавқеи, буюк мутафаккурларимизнинг жаҳон маданияти соҳасидаги ўрни ҳақидаги маълумотлар билан Алпомишдек ботир, жасур, Барчинойдек вафоли, иродали, Жалолиддин Мангуйердидек паҳлавон ва қаҳрамон бўлишга ундаш лозим.

Ижтимоий ҳамкорлик ғояси. Умуминсонийлик – турли миллат вакилларига ва ўзгача фикрловчиларга ҳурмат ва ҳайрхоҳлик, турли динлар ва бошқа маданиятларнинг ўзига хослигини тан олиш, турли халқлар ва ижтимоий гуруҳлар кадриятларини кадрлаш демакдир. Ушбу ғояни шакллантиришда бошқа халқларнинг анъана ва урф-одатлари, маданияти, миллий мусиқий меросларини ўрганиш, байналмилал бўстлик тушунчаларини шакллантириш каби тарбиявий ишларнинг турли шакли ва усулларида кенг фойдаланиш мумкин.

Қардош ва чет эл халқлари маданий меросига оид “Забул тесниси” (озарбайжон халқ кўшиғи), “Қувноқ қизлар кўшиғи” (қирғиз халқ кўшиғи), “Атуш” (уйғур халқ кўшиғи), Л.В.Бетховеннинг “Қахрамонлик” (3-симфонияси), Шопеннинг “Мазурка”, Шубертнинг “Форель”, Д.Омонуллаева мусикаси, Т.Муллабоев шеъри билан “Туркстон фарзандларимиз”, Т.Азимов мусикаси, П.Мўмин шеъри билан “Таралди - шодиёна”, И.Ҳамроев мусикаси, Ё.Мирзо шеъри билан “Пахтазорга парвоналар”, М.Глинканинг “Полька” П.Чайковскийнинг “Нуапол” кўшиғи, Р.Губайдуллин қайта ишланган “Оромижон” узбек халқ куйи каби мусиқий асарлар ўзининг турли-туман ғоявий мазмуни, фикр, қарашлари ва мақсадлари билан ҳамжихатлик, тинчлик ва тотувлик ғояларини илгари суради.

Миллатлараро тотувлик ғояси. Ўзининг миллий маданиятига беқиёс ҳурматда бўлиш баробарида бошқа элат анъаналарига нисбатан калондимоғлик ва беписанд назар билан қараш нотўғри эканлигини мунтазам тушинтириб бориш лозим. Ҳеч қандай миллий анъаналар кимнингдир ориятига тегмаслиги ва душманлик муносабатларини уйғотмаслиги керак. У самимий ва беғараз бўлмоғи лозим.

Ўсмирларда миллатлараро тотувлик ғоясини шакллантириш мақсадида ўтказиладиган машғулотларда қуйидаги мусиқий асарлардан фойдаланиш мумкин:

А. Миллатларнинг ўзаро тенг ҳуқуқлиги ҳақида:

1. Л.Муждабоева мусикаси, Қамбар ота шеъри “Ўзбекистоним”.

2. Н.Норхўжаев мусиқаси, П.Мўмин шеъри “Кенг Туркистон”.

Б. Миллатлараро ҳамкорлик ҳақида:

1. Ф.Алимов мусиқаси, А.Қориев шеъри “Аҳиллик - дўстлик”.

2. С.Юдаков мусиқаси, Қ.Муҳаммадий шеъри “Жон Ўзбекистон”.

В. Бошқа миллатларга ҳурмат билан қараш:

1. Д.Зокиров мусиқаси, М.Қориев шеъри “Дўстлик қўшиғи”.

2. К.Кенжаев мусиқаси, Қ.Муҳаммадий шеъри, Ш.Ёрматов қайта ишлаган “Ёшлик йўллари чаман”.

Г. Турли халқлар ва миллатлар маданиятларига очиклик ҳақида:

1. “Вақт ўтганда” ҳинд халқ қўшиғи.

2. “Тонги шафақ” араб халқ қўшиғи.

3. “Олтин балиқчалар” япон халқ қўшиғи.

4. “Найрез” тожик халқ қўшиғи.

5. “Эй Тожикистоним” Н.Қурбонасаев мусиқаси, Х.Жўраев шеъри.

Ушбу мусиқий асарлардаги бадиий воситалар мазмуни, моҳияти, ундаги образларнинг тафсилотлари ўсмирларда бошқа миллат санъати ва маданиятига, анъана ва урф-одатларига бўлган қизиқишларини уйғотибгина қолмай, бу миллатлар маданиятига нисбатан ҳурмат ва эҳтиром тушунчаларини шакллантиришга ҳизмат қилади.

Динлараро бағрикенглик ғояси. Бағрикенглик ғояси кенг тушунча бўлиб, диний, иқтисодий, сиёсий, ҳалқаро ва давлатлараро бағрикенглик йўналишлари сифатида намоён бўлади. Ўсмирларда динлараро бағрикенглик ғоясини шакллантириш ҳозирги кунда мустақил Ўзбекистонимиз мафкуравий сиёсатининг бир бўғини ҳисобланади. Асрлар давомида шаклланиб келган диний урф-одатлар, анъаналар ҳар бир ҳақнинг қон-қонига сингиб кетган. Шу сабабли миллатларнинг эътиқодига нисбатан ҳурмат ва эҳтиром уларни бир замин ҳамда бир ватанда ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашни таъминлайди.

Ўсмирлар онгида бағрикенглик ғоясини шакллантириш ўз-ўзини хурматлаш ва кадрлаш, мураса, сабр-тоқат, чидамлилиқ, қаноат ва шукр қилиш каби психологик тушунчаларни сингдириш орқали амалга оширилади.

Демак, мусиқий тўғараклардаги ўсмир ёшларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантириш учун репертуарлар тўғри танланса, бадиий воситалардан унумли, мақсадли ва тўғри фойдаланилса, кўзланган мақсадга тез ва осон эришилади.

2.4 Мусиқий – бадиий воситалар орқали ўсмир ёшларда миллий истиқлол ғояларини шакллантириш

Қадим-қадимдан Шарқнинг буюк мутафаккирлари бадиий-эстетик кадриятлардан тарбиянинг муҳим воситаси сифатида фойдаланиб келганлар. Бу кадриятларни ёшларга маънавий-эстетик тарбия беришдаги ўрни беқиёсдир. Шунинг учун ҳам “Маданий-маърифий муассасалар ёшларни ҳақиқий санъат чинакам бадиий гўзаллик руҳида тарбиялаш масканлари бўлмоғи лозим” (Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001. – 54 б).

“Мусиқа маданияти” фани дастурига миллий мусиқий меросимиз намуналарини киритилиши, ўқувчи-ёшларнинг маънавий-эстетик ва ғоявий тарбиясига ўз ижобий таъсирини кўрсатади. Шу боис халқ оғзаки ижодиёти, миллий кадриятлар, анъана ва маросимлар билан ўқувчи-ёшларни яқиндан таништириш, улар онгига сингдириб бориш мусиқий таълимнинг бугунги кундаги асосий вазифаларидан биридир.

“Мусиқа маданияти” ўқув предмети йўналишидаги тўғаракларда мазмун жиҳатдан ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил

инсон, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик каби миллий истиқлол ғояларини акс эттирувчи бадиий асарлар репертуардан ўрин олиши муҳим омил саналади. Бу вазифани амалга оширишда мактабдан ташқари муассасалардаги бадиий тўғаракларнинг имкониятлари катта. Чунки умумий ўрта таълими тизимидан фарқли ўлароқ, бадиий тўғаракларда ўқувчилар ўз кизиқишлари ва ихтиёри билан келадилар. Шу боис миллий-муסיқий кадриятларни ўқувчилар онгида шкллантириш энгил кечади.

Тўғарак машғулотида асар мазмунини тўла ёритиб бериш воситаларидан ўз вақтида ўринли фойдаланиш, бу воситаларнинг таъсирчанлик даражасини ошириш методларини қўллай билиш, бадиий асарнинг тарбиявий ахамиятини янада оширади. Шу жиҳатдан миллатлараро тотувликни, ватан равнақи, юрт тинчлигини қуйловчи “Хур республикам” (Қ.Қаюмов шеъри, А.Мансуров муסיқаси), “Ўзбекистоним” (Ф.Шоҳисмоил шеъри, Ш.Рамазонов муסיқаси), “Истиқлол хақида қўшиқ” (Қ.Мамиров муסיқаси, Л.Қўлдошев шеъри), “Мустақиллик лолаларимиз” (Р.Абдуллаев муסיқаси, Н.Нарзуллаев шеъри), “Юртим Қомуси” (Қ.Мамиров муסיқаси ва шеъри), “Юртим камоли” (Н.Норхўжаев муסיқаси, Р.Толиб шеъри), “Биз тинчликни истаймий” (К.Кенжаев муסיқаси, Б.Исроилов шеъри), “Кенг Туркистон” (П.Мўмин шеъри, Н.Норхўжаев муסיқаси) каби қўшиқ ва қуйларнинг репертуарлардан ўрин олиши ва шу асосда миллий ғояларини ўқувчилар онгига сингдиришни тақозо этади.

Мактабдан ташқари муассасаларда муסיқа маданияти дарсларидан фарқли ўлароқ муסיқий асарларни, шу жумладан миллий истиқлол ғояларини тараннум этувчи асарларни таҳлил этиш учун кенг имконият яратилади. Бунда муסיқий идрок, уни баҳолаш ва унга шахсий муносабат билдириш учун етарли вақт ажратиш мумкин бўлади, яъни муסיқий таъсир жараёни комплекс тарзда йўлга қўйилади. Шунингдек, мактабдан ташқари муассасалардаги тўғаракларда ўсмир ёшларда бадиий воситалар, хусусан, муסיқий воситалар орқали миллий истиқлол ғояларини шакллантириш жараёнида тўғарак машғулотида устоз ва шогирд анъаналаридан

фойдаланган ҳолда ҳар бир ўқувчи билан индивидуал машғулот олиб бориш; таълим мазмунида мусиқий мероснинг устуворлигига асосланиш; машғулотлар жараёнини таълим ва тарбиянинг узвийлиги проинципи асосида ташкил этиш, бир сўз билан айтганда, тўғарак ташғулотлари мазмунини ўқувчиларнинг маънавий, эстетик, уҳий, сиёсий ва жисмоний ривожлантиришга йўналтиришга мумкин бўлади.

Мактабдан ташқари шароитда амалга ошириладиган мусиқий тарбиянинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда сиёсий аҳамият касб этувчи мусиқий тадбирларни ўтказиш кенг қулланилади. “Наврўз”, “Мустақиллик” кунларида фойдаланиладиган мусиқий асарлар (Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб “Халқ бўл, элим”, “Ватаним”, “Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон”)да миллий истиқлол ғоялари бош мавзу ҳисобланади.

Мен дунёни нима қилдим,

Ўзинг ёруғ жаҳоним,

Ўзим хоқон,

Ўзим султон,

Сен тахти сулаймоним,

Ёлғизим,

Яғонам дейми,

Топинган қошоғим дейми,

Ўзинг мени улуғлардан

Улиғимсан, Ватаним...

Оқ юракка ўрагансан ўзинг бизни,

Оқ ювиб, оқ тарагансан ўзинг бизни.

Бешигимиз узра бедор она бўлиб,

Кунимизга ярагансан ўзинг бизни.

Адоинг бўлғаймиз сени-Ўзбекистон,

Ҳеч кимга бермаймиз сени-Ўзбекистон.

Фидоинг бўлғаймиз сени-Ўзбекистон,

Ҳеч кимга бермаймиз сени-Ўзбекистон.

Шунинг учун ҳам бу асарларни ўқувчилар томонидан ўрганилиши уларни миллий истиқлол ғоялари асосида тарбиялашнинг самарали воситасидир.

Ўзбек халқи мусиқаси талқинининг муҳим воситалари ўзбек миллий чолғу созлари бўлиб, “Чолғучилик” тўғаракларида ундан кенг фойдаланиш имкониятини яратади. Машғулотларда миллий чолғуларнинг келиб чиқиш тарихи, ижрочилик имкониятлари, тембр хусусиятларини тўла-тўқис очиб бериш, улар орқали миллий мусиқа лад ва оҳанглари, ритм хусусиятлари каби маълумотлар бериш миллий мусиқа табиатини тўғри идрок этишга ўргатади. Дастлабки машғулотлар чолғу асбоби билан таништиришдан бошланади. Сўнгра бошқа созлар турлари, яккапарвоз, жўрпарвоз, чолғу ансамбли ва оркестр ҳақидаги маълумотлар берилади. Шу тартибда миллий мусиқий жанрлар: касбий ва оммавий жанрлар ҳақида тушунчалар берилади. Касбий (профессионал), ижодиёт намуналари (катта ашула, мақом, ашула, дostonчилик), оммавий (лапар, ялла, терма, аллалар, ёр-ёрлар ва болалар кўшиқлари) жанр кўринишлари ҳам назарий ҳам амалий таништириш орқали миллий мусиқани идрок этиш малакалари шакллантирилади.

Мактабдан ташқари муассасалардаги мусиқий тўғаракларда ўрганиладиган асарларнинг ғоявий мазмунига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Асарларнинг ғоявий мазмуни, образлари, характери ҳақидаги тушунчалар асар ўзлаштирилишидан аввал таништирилади. Асар моҳияти, тузилиши, ундаги ифода воситалари, эмоционал ҳолат ўқувчи руҳиятига таъсир кўрсатади.

Жамоа бўлиб олиб бориладиган байрам, ғоявий-сиёсий тадбирлар, конкурслар ўқувчилар имкониятларини амалда кўрсатиш, эгаллаган билим ва малакаларига баҳо бериш ва назорат қилиб туришга замин яратади.

Хулоса қилиб айтганда, музиканинг ўсмирларда ҳам муסיқий-назарий, ҳам эстетик, ҳам миллий истиқлол ғоялари ҳақидаги билимларни шакллантиришдаги роли беқиёс.

Бадиий воситалардан, хусусан, миллий муסיқий меросимиздан, анъаналаримиздан, Ватанни мадҳ этувчи кўшиқ куйларимиздан унумли фойдаланиш шароитида таълим ва тарбиянинг самарадорлигини оширишга эришиш мумкин.

ХУЛОСА

1. “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Вазирлар маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги “Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 50-сонли қарорига асосан Халқ таълими вазирлиги томонидан “Баркамол авлод” болалар марказлари учун мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талабларида мактабдан ташқари таълим муассасаларида ўқувчиларни умуминсоний ва халқ қадриятларини акс эттирувчи миллий ғояни шакллантиришга қаратилган маданият билантаништириш муҳим педагогик аҳамиятга эга бўлган масалалардан бири эканлиги уқтирилди. Бу муҳим ишларни амалга оширишда болалар ва ўсмирларнинг шахсий эҳтиёжларини қондириш, уларни бўш вақтлари ва дам олишларини тўғри ташкил этишда мактабдан ташқари таълим муассасалари муסיқий тўғарақларнинг таълимий ва тарбиявий фаолиятлари муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли бу илмий муаммо керакли илмий ечимбадиий воситалар орқали ўсмирларда миллий

ғоя тушунчаларини шакллантиришнинг самарали йўлларини аниқлаш имконини беради.

2. Мактабдан ташқари таълим муассасалари мусиқий тўғаракларида бадий воситалар орқали ўсмирлар онгида миллий ғоя тушунчаларини шакллантиришнинг мавжуд ахволини таҳлил этиш бизни шундай хулосага олиб келадикки, ўсмир ёшдаги тўғарак қатнашчиларининг миллий ғоямизда акс эттирилган кенг қамровли, мураккаб, серқирра тушунчаларини тасаввур қилишларида нуқсонлар мавжуд экан. Бунинг сабаблари биринчидан тўғарак раҳбарлари фаолияти билан боғлиқ бўлса, иккинчидан тўғарак фаолияти дастури ва қўлланмаларида ўсмирларга миллий ғоя тушунчалари орқали маънавий тарбия беришга етарлича ўрин ажратилмаганлигидадир.

3. Мактабдан ташқари таълим муассасалари мусиқий тўғаракларида шуғулланаётган ўсмирларнинг миллий ғоя тушунчаларини билиш даражасини такомиллаштириш уларнинг мусиқий тайёргарлик даражасига, психик ривожланишига, мантиқий фикрлаш даражасига, миллий ғоянинг асосий тушунча ва тамойилларини бадий воситалар орқали ўргатишга, таълим-тарбия беришнинг услуб ва восталарининг қизиқарли объектив ва узлуксизлигига боғлиқ.

4. Ўсмирларнинг миллий ғоя тушунчалари юзасидан билим ва малакаларини такомиллаштириш, мусиқий-назарий тайёргарлигини ошириш бадий воситаларни мусиқий-назарий ва ғоявий таҳлил этиш турли хил байрам ва тадбирларни ташкил этиш, концерт сафарлари, сайрлар, экскурсиялар, саёхатлар, мусобақалар ва турли-туман оммавий ишлари ташкил қилиш, ўқитишнинг техник воситаларидан унумли фойдаланиш орқали амалга оширилиши аён бўлди.

5. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ўсмирлар онгида Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик тушунчаларини акс эттирувчи бадий воситалар (халқ оғзаки ижодиёти намуналари, бастакорлик ижодиёти намуналари, урф-одат ва анъаналари) орқали маданий-эстетик тушунчаларни шакллантиришни, муסיқий асарлардаги ифода воситалари устида мунтазам ишлаш, уларни эмоционал таъсир доирасини хис қилишга ўргатиш, тестлар, сўровнома ва бошқотирмалардан фойдаланиш гуруҳлараро мусобақа ва кечалар уюштириш, оммавий тадбирлар ташкил этиш, маъруза ва суҳбатлар ўтказиш, ўсмирлар билан яқка тартибда ишлаш орқали амалга оширилиши мумкин.

6. Ўтказилган таълимий ва тарбиявий ишлар, таҳриба-синов ишлари натижалари мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги муסיқий тўғараклар фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиб, бадий воситаларни ғоявий тарбия воситаси сифатида қўллаш самарадорлигининг ортишига олиб келди. Ўсмирларнинг маънавий, маданий, эстетик ва ғоявий билимларини оширишга, ватан, юрт тинчлигини асрашга, халқ фаровонлиги учун хизмат қилишга, маънавий ва жисмоний баркамолликка эришишга, турли миллат, ирқ ва динга мансуб шахс ва гуруҳларнинг ижтимоий ҳамкорлигини таъминлашга, миллатлараро тотувлик, хурмат, дўстлик ва ҳамжихатликни баркамоллаштиришга, динлараро бағрикенглик фазилатларини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Тошкент - “Ўзбекистон” – 2011, 439 – бет.
- Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008, 4 б.
- Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000 . 507 б.
- Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. «Тафаккур» журнали. № 2. 1998.
- Каримов И.А. тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Ўзбекистон, 1998. 15 – б.
- Григорян С.Н. “Из истории философии Средней Азии и Иран”. 7-8 вв, - М. 1960. с. 149.
- Ибн Сино. 1- том. Т.: Ўз сср фанлар академияси нашриёти, 1956
- Бобур. “Бобурнома”, - Т – 1948.

- Миллий ғоя ва мафкуранинг фалсафий – ҳуқуқий фанлар ривожига аҳамияти, - Т. 2009. Фалсафа ва ҳуқуқ институти. 17- б.
- Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат. –Т.: Янги аср авлоди, 2008. 76 –б.
- Туленов Ж. Хаёт фалсафаси. – Т.: Ўзбекистон, 1993. 231 – б.
- Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. (Изоҳли кўрсатмали воситалар тўплами). – Т.: Янги аср авлоди. 2001. 80 – б.

Газета ва журналлар:

- Халқ таълими, журнали. 2005 йил, 4-сон
2006 йил, 5-сон
2009 йил, 2-сон.
- Узлуксиз таълим. Журнал, 2005 йил, 1-сон.
2006 йил, 2-сон.
- Фалсафа ва ҳуқуқ. Журнал, 2010 йил. – махсус сон. (29)

Битирув малакавий ишга оид слайдлар:

1-слайд. Мавзунинг долзарблиги.

Мустақиллик шароитида ҳалқнинг маънавий маданиятини ривожлантириш ва мустахкамлаш ишлари муҳим давлат сиёсати даражасига кўтарилган масалалардан бирига айланади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва ўзгаришларнинг ривожининг таминловчи инсонни тарбиялаш мураккаб жараён бўлиб бу жараён алоҳида қаратишни талаб этади.

2-слайд. Муаммоларнинг ўрганилганлик даражаси.

Ўсмир ёшларни миллий ғоя тушунчалари асосида тарбиялаш ва таълим бериш мактабдан ташқари ишлар педагогикасининг долзарб вазифасига айланади. Муסיқанинг ғоявий тарбияда тутган ўрни, унинг башарият ҳақидаги ғоялар билан улғайтириш ва таъсир этиш қувватига Шарқнинг буюк алломалари катта ахамият берганлар. Хусусан, Имом Ал Бухорий, Абу Насир Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Алишер Навоий, Абу Райхон Беруний асарларида шарқона маънавият асослари ифодаланган.

Миллий ғоянинг турли қирралари олимларимиздан Б.Тўраев, Қ.Назаров, С.Мамашокиров, М.Ортиқов, А.Очилдиев, Г.Туленова, У.Убуйдуллаев, З.Ғофуров кабилар ишларида кенг ёритилган.

Йирик педагог олимлар В.Сухомлинский, Б.Асафъев, Д.Кабалевский, В.Белобородова, Н.Ветлугина, Ю.Алиев, Э.Абдуллин, Ўзбекистонда яшаб ижод қилган рус муסיқашунос олимлари А.Эйхгорн, В.Успенский, Е.Романовская, Н.Миронов, Э.Глиэр, Т.Соломонова ва бошқ муסיқа педагогикасининг асосчилари томонидан илгари сурилган илғор ва методик тавсияларида, Ўрта Осиё халқлари муסיқасининг ўзига хос хусусиятларини илмий таҳлил қилиб беришга қўшган хиссалари беқиёсдир.

Умумий ўрта таълим мактаблари в мактабдан ташқари таълим муассасаларида ўқитувчилар шахсини шакллантириш, тарбиялаш борасида С.К.Аннамуратова, С.Файзулина, Р.Сафарова, Р.Ҳасанов, М.Қуронон, О.Мусурмонов, Қ.Қувондиқов, М.Рахматуллаева каби олимларимиз тадқиқот ишларини олиб бордилар.

Муסיқа педагогикаси соҳасида хам тадқиқот муаммосига оид Ҳ.нурматов, Ф.Ҳалилов, Қ.Маъмиров, Ф.Жўраев, Ш.Жанайдаров, Ҳ.Бобомирзаев, А.Қўшаев, Ф.Тўраев, Б.Азимов, А.Хасановлар томонидан изланишлар амалга оширилган.

3-слайд. Тадқиқот мақсади ва вазифалари:

Мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги мусиқий тўғараклар фаолятида ўсмирларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантиришнинг самарали педагогик тизимини ишлаб чиқиш.

- Мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги мусиқий тўғараклар фаолятида ўсмирлар онгида миллий ғоя тушунчаларини шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик хусусиятларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

- Санъатнинг ўсмирларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантиришдаги тарбиявий имкониятларини аниқлаш;

- Мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги мусиқий тўғараклар фаолятида ўсмирлар миллий ғоя тушунчалари руҳида тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаш;

- Мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги мусиқий тўғараклар фаолятида ўсмирлар ўзлаштиришлари лозим бўлган билимлар кўлами ва уларнинг параметрларини аниқлаш;


- Мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги мусиқий тўғараклар фаолятида ўсмирларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантиришнинг самарали педагогик тизимининг компонентларини ишлаб чиқиш;

- Ўсмирларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантиришга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

4-слайд. Битирув-малаквий ишда илгарига сурилган янгиликлар:

- Ўсмирларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантириш ижтимоий-педагогик муаммо сифатида илмий таҳлил этилиб, шу йўналишдаги ютуқ ва камчиликлар аниқланди ва тегишли хулосаларга келинди;
- Ўсмирларнинг миллий ғоя тушунчалари асосида тарбиялаш – шахсий хислатлар, умумий ривожланиш тизимининг асосий омили эканлиги аниқланди;
- Мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги муסיқий тўғараклар фаолиятида ўсмирларни миллий ғоя тушунчалари руҳида тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитари аниқланди;
- Мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги муסיқий тўғараклар фаолиятида ўсмирлар ўзлаштиришлари лозим бўлган билимлар кўлами ва уларнинг параметрлари аниқланди;
- Муаммони ҳал қилиш учун унга ижодий ёндашиш, энг қулай шакллар, методлар, усуллар, воситаларни излаш, мазмунни аниқлаш орқали самарали педагогик тизим ишлаб чиқилди.

5- слайд. Ўсмир онги, тафаккурига таъсир этувчи ижтимоий педагогик омиллар тизими.



6- слайд. Ўсмирларга ғоявий таъсир кўрсатиш омиллари.



7- слайд. Мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги муסיқий тўғараклар фаолиятида ўсмирларда миллий ғоя тушунчаларини шакллантириш тизими.

